

АДИБА РАСУЛОВА

НУТҚ ТЕХНИКАСИ

ТОШКЕНТ - 2009

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ
ВАЗИРЛИГИ**

**АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МАДАНИЯТ
ИНСТИТУТИ**

АДИБА РАСУЛОВА

НУТҚ ТЕХНИКАСИ

Бакалавриятнинг 5810500 – “Халқ ижодиёти”
Оммавий байрамлар режиссураси ихтисослиги
йўналиши учун Саҳна нутқи фанидан
ўқув қўлланма

ТОШКЕНТ - 2009

Мазкур қўлланмада оммавий байрамларда сахна нутқи, нутқ техникаси, адабий тил меъёрлари, нутқ органлари ва унинг фаолияти, нафас, овоз манбалари ва уни чиниқтириш, талаффуздаги нуқсонларни бартараф этиш усуллари ҳақида маълумот берилган.

Дарслик маданият ва санъат институтлари, коллежлари ва кенг санъат ихлосмандларига мўлжалланган.

Данный учебник посвящен вопросам техники речи которая является основой предмета «Сценическая речь» который в свою очередь имеет весомое место в массовых представлениях и театральных сценах.

Учебник предназначен для студентов ВУЗов культуры и искусства, а также широкой аудитории.

This book investigate problems of speech, which is one of the most important bases of mass holidays and theatre performance.

The book addressed to students of Culture and Art institutes.

Масъул муҳаррир: ***Филология фанлари номзоди,
доцент Равшан Жомонов***

Тақризчилар: ***Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими,
доцент Шермат Ҳайитбаев***

***ЎДСИ доцентии, санъатишунослик
фанлари номзоди Марина Юсупова***

Ушбу тўплам Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтининг Илмий Кенгашида муҳокама этилиб, нашрга тавсия этилган.

Мен шу нарсани яхиши тушуниб етдимки, биз сахнадагина эмас, балки ҳаётда ҳам маза-матрасиз, саводсизларча сўзлашамиз. Бизнинг жўн, сийқаси чиқиб кетган сўзларимизни сахнага чиқариш ноззоиздир. Оддий ва чиройли гапириш бутун бир фан бўлиб, унинг ўз қонунлари бўлиш керак.

К.С.Станиславский

Кириш

Янги инсонни камолотга етказишда, унинг маънавий маданиятини шакллантиришда театр санъати алоҳида мавқега эга. Чунки у ҳар бир миллий маданиятнинг юксалганлиги ва балоғатга етиб улғайганлигини яққол кўрсатувчи ойнадир. Театр халқ оммасининг эстетик дидини ўстиришдек мураккаб бурчни ўтовчи улкан ҳаёт мактаби ҳамдир.

Бироқ театр санъати санъатнинг бошқа турларидан бир йўла фойдалангани билан, барибир, актёрсиз у жонсиз нарсадир. Сўз ва нутқ мана шу актёр ижоди асосида ётган зарур омиллардан биридир. Актёр олдида муаллиф томонидан яратилган ёзма нутқни оғзаки нутққа айлантириш вазифаси туради.

Актёрлик санъатида жарангли сўз билан боғлиқ бўлган масалалар доираси жуда кенг, мураккаб ва хилма-хилдир.

Шунга кўра, актёрлар тайёрлаш жараёнида актёрлик маҳорати билан биргаликда нутқ маҳорати қирраларини ишлаб чиқиш ва уни талабаларга ўргатиш бўйича мустақил бир фан бўлиши зарурати туғилди. «Сахна нутқи» фани шу тарика пайдо бўлди.

Актёрлик санъатининг ажралмас бир қисми бўлган сахна нутқининг вазифаси маҳорат юзасидан ўтказиладиган машғулотларда турли сабабларга

кўра кам ёки мутлако эътибор берилмайдиган сўзнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ва ўргатишдан иборат.

«Саҳна нутқи» фани «Режиссёрлик ва актёрлик» маҳорати каби асосий фанлардан ҳисобланади. Бу фанларнинг асосий мақсади бўлажак талаба режиссёрларнинг ғоявий ва профессионал тайёргарликларини чуқур билим ва амалий тайёргарлик асосида етиштириб беришга қаратилади.

«Саҳна нутқи» фани талабалардан мантикий ва образли фикрлаш, саҳнавий хатти-ҳаракатга асосланган сўз устида ишлашда кенг ва атрофлича билимга эга бўлишларини тақозо этади.

Фаннинг мақсади бўлажак талаба режиссёрларнинг нутқ маданиятини ўстириш, ижрочилик санъати элементларини эгаллаш, режиссёр-педагоглик услубларини ўрганишни кенг таъминлашдир.

Мазкур дарслик маданият ва санъат институтлари, коллежлари талабалари учун мўлжалланган. Тошкент Давлат маданият институтининг «Оммавий байрамлар режиссураси» бўлимида оммавий байрам ва томошалар, шоу концертлар режиссураси мутахассислиги бўйича кадрлар етишиб чиқади. Бироқ, мазкур бўлим битирувчилари, профессионал актёрлар билан эмас, балки ҳаваскорлар билан, яъни санъат оламига қизиқувчи турли ёшдагилар билан шуғулланидилар. Бу ҳаваскор санъаткорлар бири шифокор, бири сартарош, бири ўқувчи, бири оддий уй бекаси, бири нафақахўр ва ҳ.к. Шу сабаб бўлажак талаба-режиссёрларни тайёрлашда уларнинг педагогик, ташкилотчилик, саҳналаштирувчи, ижрочи-режиссёр, актёр-режиссёр хислатларига ҳам алоҳида эътибор берилади. Мана шу жиҳатдан қараладиган бўлса «Саҳна нутқи» бўлажак режиссёрлар учун асосий мутахассислик фанларидан бири бўлмоғи зарур.

«Саҳна нутқи» аввало саҳнадан туриб айтиладиган нутқдир. Маълумки, турли оммавий тадбирлар ҳам ўз белгиланган саҳнасига эга. Демак, уларда нутқ иштироки ранг-баранг бўлиб, ҳар бири ўзининг алоҳидалигига эга.

Адабиёт ва санъат асарлари миллий бойликдир. Бадий асарларнинг таъсир кучи жуда буюк, лекин бу фақат асарнинг ғоявий мазмуни, бадиияти

билангина боғлиқ бўлиб қолмасдан, ифодали ўқиш санъатини қўллай билиш меъёри билан ҳам бевосита боғлиқдир. Чунки ифодали сўз бадиий асарнинг ғоявий бойлигини тушунишга ёрдам беради.

Бадиий адабиётнинг энг яхши намуналари заминда ватанпарварлик, биродарлик, дўстлик, меҳнатга муносабат, муҳаббат сингари инсоний туйғулар тарбияланади.

Санъат ходимлари омманинг маданий савиясини кўтаришда фаол қатнашадилар. Айниқса, сахна асарларининг муваффақиятли чиқишида ижрочиларнинг хизмати ниҳоят даражада катта. Чунки, улар омма билан ягона халқ тилида доим алоқада бўладилар, шу тил орқали сахна ва бадиий асарларнинг туб мазмуни ва моҳиятини томошабинларга етказадилар ва уларни тарбиялайдилар.

Шундай экан, ижрочилар фаолиятида бадиий ва ифодали нутқ алоҳида юқори ўрин тутди. Нутқнинг равон ва аниқ бўлиши сахна асарларининг мазмунини тез англашга, моҳиятини чуқур тушуниб олишга ёрдам беради.

Жонли нутқ ажойиботлар яратишга қодир. Нутқ кишиларни қувонишга ва қайғуришга, севги ва ғазабни уйғотишга, ачиниш ва руҳланишга мажбур этади. Кишида юксак интилишлар ва ёрқин орзулар уйғотади. Юракнинг энг узок бурчакларига сингиб, мудраб ётган фикр ва ҳиссиётларни кўзғотади. Жонли, бадиий сўзнинг таъсирчанлик хусусиятларидан бири шундаки, у аввало кишиларга завқ бера олади. Завқ бера оладиган сўз эса ҳар доим ўз тингловчиларини топа олади ва унга таъсир этади. Сахна нутқи адабий материалнинг бутун борлигини мужассамлаштирувчи асосий ва ифодали воситадир. Сахна нутқи ижрочининг мақсад ва вазифаларини рўёбга чиқарувчи сарчашма ва айни пайтда ижодий жараённинг чўққиси ҳам.

“Агар актёр театр санъатининг шоҳи бўлса, унинг бошидаги тожи сўз санъатидир.” – деб таъкидлайди Немирович Донченко. Шу сабаб бўлажак мутахассислар сахна нутқи фани бўйича товушлар талаффузи, нутқ органлари, артикуляция, дикция, ҳаттоки кичик паузаларнинг ишлатилишигача қунт билан ўрганмоғи лозим. Ўзбек театри асосчиларидан бири Маннон Уйғурнинг

“Асардаги сўзларни ҳеч бир оғишмасдан, ўз стилига мувофиқ, бузмасдан, ўзидан сўз қўшмасдан гапиришга одатланиш керак... Сўзларнинг тагидаги маъносини очиб бериш учун воқеа талаб қилган тарзда, жонли тил асосида, ўрнига муносиб оҳанг (интонация) билан гапиришга ўрганиш керак. Маънони бузадиган, кераксиз ўринда пафос, декламация, маддоҳларча гапиришдан қочиш зарур.” – сўзлари ўринлидир. Буларни амалга ошириш борасида «Саҳна нутқи» фанидан ўтиладиган маъруза ва амалий дарсларнинг ўрни бекиёсдир.

I – ҚИСМ

ФАННИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

I – БОБ. НУТҚ МАДАНИЯТИ ВА УНИНГ ИЖТИМОИЙ ЎРНИ

Нутқ маданияти - ижтимоий маданиятнинг, кишилиқ жамияти маданиятини акс эттирувчи бир кўзгудир. Юксак маданиятли жамиятда яшовчи кишиларнинг нутқ маданияти ҳам юқори бўлиши керак. Шунинг учун ҳам маданиятни бирор ижтимоий тузумнинг умуммаданияти ва равнақининг тимсоли, кўзгуси деб айтиш мумкин.

Нутқ маданияти ёзма ва оғзаки шаклда бўлади. Оғзаки нутқ маданияти деганда, гапирувчи тилидаги равонлик, аниқлик, маънодорлик ва латофат тушинилади. Зотан ўтмиш классиклари ҳам нутқнинг маданиятли бўлмоғи учун айнан шундай шартларни қўядилар. Жумладан, Хофиз Шерозий дейди:

Ақлу идроку адолат бирла сўз айт доимо,

Барча маъно бўлса жам, сўнг эт баён не муддао.

Шундай экан, киши ўз нутқининг маданиятли бўлиши учун, ақл билан иш кўриши ва элимиз айтмоқчи, гапирганда етти ўлчаб, бир кесиш керак.

Аксинча, кишининг нутқ маданиятидан маҳрум бўлиши ғоят ачинарли бир холдир. Алишер Навоий “Ҳайрат-ул аброр”да бу ҳақда шундай ёзади:

Гунча оғизли санами нўш лаб,

Сўздин агар айласа хомуш лаб,

Сурат ила бўлса моҳи осмон,

Сурати девор ҳамон, ул ҳамон.

Яъни, агар бирор санам осмондаги ойдек чиройли бўлса-ю, нутқ каби неъматдан маҳрум бўлса, ундай чиройнинг девордаги суратдан фарқи қолмайди.

Нутқнинг маданиятли бўлиши учун нотик энг аввал сўзнинг қадрини билиши керак. Чунки “Она тили” бебаҳо неъмат, худди онанинг ўзи каби мўътабар тутилиши лозим. Шу нуқтаи назардан қараганда, она тилига бўлган

бефарқлик ва ҳурматсизлик, табаррук ота-онага нисбатан ҳурматсизлик, мўътабар аждодлар шаънига ҳурматсизлик демакдир. Буюк Алишер Навоий:

Сўз гавҳари дурки, рутубасининг

Шаҳридадир аҳли нутқ ожиз.

дейди. Яъни, сўз шундай гавҳардирки, унинг мартабасини таърифлаб беришга сўз усталари ҳам ожизлик қилади. Шунинг учун ҳам нутқ маданиятининг энг биринчи шarti – сўзга ғоятда пок, мусаффо ва оқилона муносабатда бўлишдир. Зотан буюк Абдурахмон Жомий айтганидек:

Кимки сўзни қадрласа ҳар қачон,

Ўз-ўзини қадрлагай бегумон.

Нутқ маданиятли бўлишининг навбатдаги шarti, кишининг мусаффо бўлишидир. Улуғ Навоий тили билан айтганда:

Керак оғизи поку сўзи доғи пок,

Яна кўнгли поку, кўзи доғи пок.

Чунки кишида:

Агар бор эрса поклик нияти,

Анга ёр ўлур поклик ҳаммани.

Шундай экан, нутқнинг гўзал, латофатли, маънодор ва олийжаноб бўлиши учун, кишининг ўзи табиатдан ана шу фазилатларга эга бўлиши керак.

Айрим кишилар чиройли сўзларни қаторлаштириш, баландпарвоз жумлалар тузиш билан нутқ маданиятига эришмоқчи бўладилар. Афсуски, бундай интилишларнинг охири ҳамиша вой ва нутқида сохталикдан бошқа оқибатга олиб келмайди. Ниҳоят шуни айтиб ўтиш жоизки, фақат санъаткор эмас, балки ҳар бир онгли киши юксак нутқ маданиятини эгаллаши лозим. Санъаткорлар эса ўз-ўзидан бу соҳада ҳаммага намуна бўлишлари лозим. Бадиий баркамол, юксак нутқ маданияти даражасидаги сахна асарлари яратиш учун кундалик турмушда ҳам юксак нутқ маданиятига эга бўлиш лозим.

АДАБИЙ ТАЛАФФУЗ ҲАҚИДА

Маълумки, ўзбек тили энг кўп шевали тиллардан бири ҳисобланади. Бу эса, адабий талаффуз масаласига ёндошганда ниҳоят эҳтиёт бўлишни талаб қилади.

Санъат аҳли адабий тилнинг илғор тарғиботчилари ҳисобланадилар. Шунинг учун ҳам радио ва телевидение билан биргаликда сахна нутқи ҳам ўзбек адабий тили нормаларига қатъий риоя қилган энг намунали нутқ бўлмоғи лозим. Шунинг учун ҳам сахна нутқига жиддий эътибор берилиши лозим. Чунки сахна нутқи омманинг нутқ маданиятини тарбиялашда энг таъсирчан омиллардан бир ҳисобланади.

Санъаткорларнинг тўғри адабий талаффуз нормалари билан курулганишлари яна шунинг учун ҳам муҳимки, аниқ талаффуз сахна асарининг ғоявий-бадий даражасига яққол таъсир этади. Театр санъатини миллионлардан иборат оммани тарбияловчи муҳим восита эканлигини ҳисобга олганда санъат аҳли зиммасига тушадиган бу маъсулият янада ошади.

Ўзбек театрларида сахна нутқининг ҳозирги савиясини ҳали ҳозирча тўла-тўқис талабга жавоб бермаслигининг қатор сабаблари бор. Мана улардан баъзи бирлари.

1.Маъсулиятсизлик.

Маълумки, чолғучи, ашулачи ёки раққоса санъатини машаққатсиз тасаввур этиш мумкин эмас. Бу санъат аҳли ҳар куни, мунтазам машқ қиладилар. Ўзларининг санъаткорлик ифода воситаларини ўстириб борадилар. Баъзи актёрлар эса, иш соатидан ташқари деярли ҳеч қандай профессионал машқ билан шуғулланмайдилар. Улар ўз нутқларидаги нуқсонларни бартараф этишга, нутқнинг ифода воситаларини бойитиш ва такомиллаштиришга уринмайдилар. Натижада актёрларнинг санъати ўтмаслашиб, қолип тусига киради. Оқибатда ижодий изланишдан маҳрум бундай “санъаткорнинг” Гамлети ҳам, Алишер Навоийси ҳам, Бобури ҳам, Фарҳоду Мажнуни ҳам бир хил тилда гапирадилар ва инқироз сари бошловчи қолипга кириб қолади.

Бундай нуқсонларнинг олдини олишнинг бирдан-бир тўғри йўли санъатда маъсулиятсизлик ва бепарқликка мутлақо барҳам бериш, ҳамда актёрлик маҳорати асосларини эгаллаш ишини йўлга қўйишдан иборатдир.

2. Шевачилик.

Таъкидланганидек, ўзбек тили шевалари ўртасида кескин фарқ мавжуд. Шунга қарамай, кўпчилик актёрлар маҳаллий шевада ёки ўша майлида гапирадилар. Натижада адабий тил нормалари нуқтаи назаридан қараганда таажжубланарли ва энг муҳими санъатга мутлақо ёт бўлган мавҳумлик ҳоллари рўй беради. Масалан:

а) **Қарши шеваси:** Бозом у оғир одам, бир айттим, нимади, бо боддим, ҳа падаллаънат бозомом ямонлуғ қиласанми? (Яна ҳам оғир одам, бир айтдим келмади, яна бордим, ҳа падарлаънат яна ҳам ёмон қиласанми?)

б) **Ўш шевасида:** Бирам анқан кетдим (Бирам чанқаб кетдим). Ўзига арағ беради (Ўзига оро беради). Косага нонди бўҳса (Косага нонни бос, тўғра). Кўйнаги сунча гаразон? (Кўйлаги мунча кир?). Мунча мондайлама (Мунча вайсама). Ариғдан аҳладим (Ариқдан сакрадим). Таринманг (Хафа бўлманг). Косада тўлдир қатиғ (Коса тўла қатик) ва ҳ.к.

в) **Тошкент шеваси:** Биза майлиска борийлик (Биз мажлисга борайлик). Пошшони жаҳли чиқди – чумоли дарёни тегидаги ёллий хумчага айланишип нима қилади, бу жувопинг кони аҳмоқлик дип жаллод чақирипти (Подшоҳнинг жаҳли чиқиб, “чумоли дарёнинг тагидаги ёғлиқ хумчага айланишиб нима қиларди, бу жавобинг кони аҳмоқлик” деб жаллодни чақирибди). Бошимни боқип кой, қизим дипти. Қиз кампирри бошини боқвотканакан, мушуги кеп кампирри чочини ўйнувурипти. Мушугин мақивотти, дипти кампир. Сиззи чочийззи яхши корип ўйнавотти, дипти қиз. (Бошимни боқиб қўй, қизим дебди. Қиз кампирнинг бошини кўраётган экан, мушуги келиб, кампирнинг сочини ўйнай берибди. – Мушугинг нима қилаяпти, - дебди кампир. – Сизнинг сочингизни яхши кўриб ўйнаяпти, - дебди қиз).

г) **Бухоро шеваси:** Соро, инокни соғин бўлдингми? (Сора, сигирни соғиб бўлдингми?). Бачча гаворага йиғлапти, онаси кера кетти? (Бола бешиқда

йиғлаяпти, онаси қаерга кетди?). Ёмғир йағип торпоқ лой бойон (Ёмғир ёғиб турпоқ лой бўлган). Мемолло келли чоқи (Меҳмонлар келди чоғи). Отам қарри, ҳеж қаерга ишламайла (Отам қари, ҳеч қаерда ишламайдилар). Балли сенга, мехни копориб оллинг (Балли сенга михни суғуриб олдинг).

д) **Хоразм шеваси:** Бу ерни тийиннан илан йурйанини билади (Бу ернинг тагида илон юрганини билади). Айақи пишкен тууқдийм болип дурипти (Оёғи куйган товукдай бўлиб турибди). Ағзингга гайанин сўллаверма, артиқмачи бошингга дейеди (Оғзингга келганини гапираверма, ортиқчаси бошингга тегеди). Санга чай вермакаам қорқаман, касани ютубйармасанг дап (Пиёлани ютиб юбормасанг деб, сенга чой беришга ҳам қўрқаман). Навдисан, ит қисдағда битқистағ атаверма (Нима дейсан, ҳадеб кистайверма).

Адабий талаффуз нормаларига мутлоқо қарама-қарши бўлган бундай ҳолларни истаганча келтириш мумкин. Театрларда эса шевачиликка сира-сира йўл қўйиш мумкин эмас.

3. Ўзбошимчалик

Сўз санъаткорлари, айниқса актёрларнинг нуқсонларидан яна бири бу ўзбошимчаликдир. Гап шундаки, баъзи ижрочилар ролини ёки матнни ўзлаштиришни мутлоқо бошқача тушунадилар. Натижада бемаъни “ўзлаштириш ” бошланади ва турли давр, характерга эга бўлган матнлар бир хилда талқин ва талаффуз этила бошлайди.

Ўзбошимчалик нуқсони драматургия материалига бўлган бефарқ муносабатда яққол кўринади. Албатта айрим пьесалар тилининг пишиқ эмаслиги сахна асари ва сахна нутқи савиясига ҳам таъсир этмай қолмайди. Бироқ бу ҳол актёрнинг зиммасига тушадиган масъулиятни соқит қилмайди.

Ўзбошимчаликка ўрганган санъаткорлар матнни ўзлаштиришни -уни ўз шахсий табиатига мослаштириб олиш деб тушунадилар.

Бу мутлоқо хато, чунки шундай қилганда жаҳон маданиятининг ноёб дурдонаси бўлган ажойиб асарларни нутқи ожиз актёр ўз имкониятига мослаштиришга тўғри келиб қолиши мумкин. Кўп вақтларда ўзбошимча “ўзлаштириш”нинг оқибати ана шундай бўлиб чиқади ҳам.

Ўзбек театрларида бундай ноўрин ўзлаштириш касаллиги оқибати жуда ёмон. Чунки, бундай “ўзлаштириш” жараёни, асосан, ўша театр жойлашган маҳаллий шевага мослашиш майлида боради. Яъни, ижрочи асар матнини ўз тили қолипига солиб оладида бу билан, биринчидан, бадий сўз санъати баркамоллиги ва нутқ маданиятига путур етказса, иккинчидан адабий талаффуз нормалари нуқтаи назаридан караганда, сахна асарининг ғоявий-бадий савиясига салбий таъсир этади. Чунки, айрим сўзларнинг мазмуни турли шеваларда ўзаро тубдан фарқ қилиш натижасида турлича, карама-қарши натижаларга олиб келади. Масалан, Тошкентда аччичув ёки ачув-чучув десалар, шунинг ўзи Фарғона ва Андижон шеваларида шакароб дейилади. Шунингдек,

Тошкентда - довучча,	Андижонда – ғўра,
Тошкентда – читтай,	Фарғонада - жинқарча,
Тошкентда – арғимчок,	Андижонда – хаюнчак
Тошкентда – ғўшанга,	Фарғонада - чимилдик
Тошкентда – чақалоқ,	Фарғонада - бувак(ча)
Тошкентда – памилдори,	Фарғонада - патинжон
Тошкентда – беда,	Андижонда – йўнғичқа
Тошкентда – тухум,	Фарғонада - мояк
Тошкентда – сўта,	Фарғонада, Андижонда – мардак
Тошкентда – нарвон,	Фарғонада, Андижонда –шоти ва ҳ.к.

каби талаффуз этиладиган сўзлар гуруҳи матнга ўзбошимчалик билан ўзгартириш кирита бериш натижасида, мутлоқо тушунмовчиликка олиб келади. Шунингдек, обрў сўзининг Фарғона шевасида аврик, Андижонда аврий, адабий тилдаги маҳкам, чақалоқ, кир, намуна, мукка, пўписа, ўткир, тўнкаш, тўда, сузмоқ каби сўзларнинг Ўш шевасида бикам, бувак, гаразон, гула, дум, иддаҳо, итктир, йўхташ, тос, усмоқ тарзида талаффуз этилиши маҳаллий шевалар учун нақадар хос бўлса, адабий талаффуз нормалари учун шу қадар ётдир. Афсусланарли жойи шундаки, айрим санъаткорлар юқоридаги “ўзбошимчалик”дан иборат “ўзлаштириш”ни маъқуллайдилар. Бундай

хайбаракаллачи санъаткорлар ўз даъволарини: “ахир, маҳаллий шева ва шу шева майлидаги талаффуз маҳаллий кишиларга яқинроқ, тушунарлироқ-ку”, деб исбот қилишга уринадилар. Албатта, бу қабилдаги “санъаткорлар” санъатнинг тарбияловчи қудратини, ижтимоий таъсирини тўла тушунмасликлари натижасида шундай қиладилар. Бундай даъвонинг хато эканлигини тушунтириш учун маҳаллий газеталар ҳам шевада эмас, балки адабий тилда чиқишига қатъий риоя қилишини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Акс ҳолда адабий ўзбек тилига катта путур етказиш мумкин.

Масаланинг яна бошқа бир томони ҳам бор. Бу режиссёрларнинг фаолияти билан боғлиқ. Айрим режиссёрларимиз томошабин эътиборини тортмоқчи ёки уни ҳайратда қолдирмоқчи бўлиб, кўпроқ сахна безакларига, костюм ва гримга зеб берадилар. У асосий нарсани, яъни асар мазмунини очувчи ва уни томошабин юрагига етказувчи сўз, нутқ, талаффуз масалаларини эътибордан четда қолдирадилар. Бундай режиссёрлар актёрларнинг сўз санъатига, талаффуздаги нормаликка эътибор бермайдилар. Натижада баъзи “талантли” импровизаторлар, ўзбошимча артистлар муаллиф матнига совуққонларча муносабатда бўлиб, ўзларича “қўшимчалар” киритиб, асар мазмунини “тўлдирадилар”. Томошабинни “қулдиришга” берилиб, мазмун талаб қилмаган ерда бошқача акцент билан гапирадилар, сўзларни бузадилар, такрорни кучайтирадилар. Бу ҳол асарни сохталаштиради. Унинг ғоясига путур етказди, тингловчига, томошабинга салбий таъсир қилади. Бундай сохта, ёлғондакам “ижодкорлик”нинг олдини олишда эса, театрнинг забардаст ижодий ҳукмрони бўлган режиссёр ўз тарбиячилик, муаллимлик ролини ўйнаши лозим.

Хуллас, бадиий ижод мантиқдан чекинишни, ўзбошимчаликни ёқтирмайди. Аслида, ўзбошимчалик – мантиқсизликдан иборат бўлганлиги учун ҳам унга санъат даргоҳида ўрин бўлмаслиги керак. Чунки, ҳақиқий санъат изчил, мустаҳкам мантиқийликка асосланади. Аслини олганда буюк Дидро айтганидек “нима учун актёр шоир, рассом, нотик ва созандадан фарқ қилиши керак?” Шундай экан, сўз ижрочиси ҳам ўзи яратаётган санъат асарига ғоят

талабчанлик билан ёндошмоғи шарт ва санъат душмани бўлган ўзбошимчаликка сира-сира ўрин бермаслиги керак.

4. Арзимас нуқсонлар.

Ижрочилик нутқида шундай “арзимас” нуқсонлар ҳам учрайдики, улар дастлаб қараганда киши эътиборини унчалик ўзига тортмайди ҳам. Бироқ ана шундай арзимас нуқсонларнинг оқибати ғоят ачинарлидир. Шунини айтиш кифояки, сўз санъатидаги ана шундай арзимас нуқсонлар асар маъносининг мутлақо ўзгариб кетишига олиб келади.

“Арзимас” хатоликлар қаторига нутқда товушларнинг редукцияланиш қоида-сига риоя қилмаслик, ёзма ва оғзаки нутқ дифференциациясини билмаслик, бефарқлик ёки одат туфайли товушлар ўрнини алмаштириб гапириш каби қатор ҳодисаларни киритиш мумкин. Жумладан, ўзбек сахна нутқида жуда кўп учрайдиган ҳоллардан қуйидаги ҳодисаларни таъкидлаш мумкин.

а) **Х-Х** товушларининг талаффузидаги дифференциациясини (фарқини) билмаслик. Бу нуқсон кенг тарқалган бўлиб, Бухоро ва Самарқанд вилоятларини мустасно этганда, бошқа барча театрларда чуқур илдиз отган. Бу нуқсон, **Х** ундошининг **Х** тарзида талаффуз этилишида намоён бўлади. Натижада қуйидаги англашилмовчиликлар рўёбга чиқади:

Ҳар – ҳар ким, ҳар қачон, ҳар бир.

Ҳар – эшак.

Шоҳи – мато.

Шоҳи – дарахтнинг ёки ҳайвоннинг шоҳи.

Ҳийла – алдамчилик, ҳийла-найранг.

Хийла – анчагина маъносида.

Ҳил-ҳил – эзилган, жудаям пишган маъносида.

Хил-хил – турлича, ҳар хил маъносида.

Ҳол – ҳол-аҳвол маъносида

Хол – кишининг юзидаги хол

б) **Ф-П.** Бу товушлар аксарият бир хилда, яъни “П” тарзида талаффуз этилади. Бу ҳодиса эса, энг аввал нутқдаги равонлик, мусиқийлик, эстетик таъсирчанликка путур етказди. Қолаверса, сўз ва гапларнинг мазмунини мутлақо ўзгартириб юбориши мумкин.

Масалан:

Фақир – камбағал, қашшоқ.

Пақир – сув ташийдиган идиш.

Фалак – осмон, коинот.

Палак – қовун-тарвузнинг палаги.

Соф – тоза, мусаффо.

Соп – кетмон ёки бошқа бирор нарсанинг сопи, дастаси.

Фол – фол очиш.

Пол – уйнинг поли.

в) Айрим ҳолларда унли товушларни ўзаро фарқ этолмаслик ҳодисалари учрайди. Натижада, худди юқоридаги каби бир томондан мазмун ноаниқлиги пайдо бўлса, гоҳида мутлақо ўзгаришларгача бориб етади. Бундай ҳодисани, айниқса, қуйидаги товушларда кўпроқ учратиш мумкин:

1. **А-О.** Аксарият пайтлар, айрим шевалар натижасида “А” товушининг “О” тарзида талаффуз этилиши ва аксинча “О”ни “А” тарзида талаффуз этиш ҳодисалари учрайди ва шу “арзимас” бефарқлик оқибатида қуйидаги жиддий нуқсонлар пайдо бўлади:

доно – дона

аммо – оммо

қора – қара

бало – боло

хотин – хатин

ташиш – тошиш

таниш – тониш

ҳарам – ҳаром

халос – холос

кафе – кофе

Шунингдек, “катта” ўрнига “котта”, “ака” ўрнига “ока”, “дала” ўрнига “дола”, “маст” ўрнига “мас”, “ахвол” ўрнига “ахвол” ёки “овҳол” тарзида нотўғри талаффуз этиш ҳоллари учрайди.

2. Э-И. Айрим пайтлар “И” товушининг “Э” тарзида талаффуз этилиши кузатилади. Натижада “иш” билан “эш”, “бир” билан “бер” сўзлари, “мен” билан “мин”, “кел” билан “кил”, “элак” билан “илак”, “эътибор” билан “итибор” сўзлари орасида англашилмовчилик туғилиб қолади.

3. Шундай ҳодисаларни Ў-У товушларида:

ўй – уй

қўл – кул

тўп – туп

тўйиш – туйиш

кўмиш – кумуш

гўл – гул

сўз – суз

кўз – куз

тўн – тун

ўз – уз ва ҳ.к.з.

Я – Ё ва Я – Е товушларида:

янги – енги

ялпиз – ёлпиз

яйлов – ёйлов

ялтироқ – ёлтироқ

яшин – ёшин

яхлит – ёхлит

ярим – ёрим ва ҳ.к.з.

Агарда, айрим пайтлар айириш белгисини тушунмаслик натижасида “инъом” сўзининг “иноғом”, “неъмат” сўзининг “ниғмат”, “наъматак” сўзининг “нағматак”, “эътибор” сўзини “ихтибор” тарзида талаффуз этилиши: айрим

сабабларга кўра “мактаб” сўзининг “махтаб” тарзида, “тагига” сўзининг “тейига”, “соат” сўзининг “соғат”, “баланд” сўзининг “болон”, “соғлиқ” сўзининг “соолиқ”, “нўхат” сўзининг “нохот”, “товуқ” сўзининг “тову” тарзида талаффуз этилиши каби кўплаб мисоллар ҳисобга олинса, “арзимас” хатоликлар сони шу қадар кўпайиб кетадики, албатта уларнинг олдини олиш зарурияти туғилади.

Хуллас, агар диққат-эътибор билан қаралса, ижрочилик санъатига тааллуқли бўлган нуқсонлар сони шу қадар кўпки, улар сўз санъатининг истиқболи ва бадиий баркамоллигига путур етказди. Улардан қутулишнинг бирдан-бир йўли эса, тинимсиз меҳнат ва изланишдир. Санъатшунос олим, академик Мамажон Раҳмоновнинг ёзишича бир пайтлар улкан ўзбек режиссёри Етим Бобожонов билан драматург Комил Яшин ўртасида бир сўз туфайли келишилмовчилик келиб чиққан. Етим Бобожонов уч кун репетицияни тўхтатиб, ўз уйдан чиқмаган. Кейин маълум бўлишича, меҳнатсевар бу режиссёр уч кунгача Алишер Навоий асарларини варақлаб, ана шу битта сўзни излаган экан. Хўш, улкан санъаткорлар-ку, битта сўзнинг устида неча кунлаб изланган эканлар, қолган санъаткорлар нима учун бундай фазилатлардан маҳрум бўлишлари керак?! Аксинча, сўз санъати баркамоллиги йўлидаги изланишни мунтазам ўстириш ва бадиий сўз каби қудратли воситанинг янгидан-янги имкониятларини очиш, эстетик таъсирчанлигини ошириш йўлида муттасил ижодий меҳнат қилиш керак. Зотан, сўз санъатининг олийжаноб сиёсий-бадиий вазифаси ана шундай жиддий изланишни тақозо этади.

ОРФОЭПИК ҚОИДАЛАР

Орфоэпия адабий талаффуз меъёрларини белгилаб берувчи предметдир. Айниқса оммавий тарбиянинг минбари бўлган театр ва умуман сўз ижрочилиги санъатида орфоэпия қоидаларини билиш ва унга амал қилиш ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Афсуски, ҳанузгача бу соҳада кенг санъаткорлар оммасига қўлланма бўлишга арзигулик бирор иш қилинмаган. Шунинг учун ҳам, биз бу

ерда ўзимизга маълум бўлган барча материаллардан фойдаланиб, санъаткорлар талаффузи учун муҳим бўлган айрим қоидаларни тавсия этишга интиламиз.

Маълумки, имло (орфография) билан жонли талаффуз ўртасида анча-мунча фарқ бор. Шуни айтиш кифояки, ёзма матнлар ҳар доим ҳам қандай ёзилган бўлса, шундайлигича талаффуз этилмайди.

Аксинча, аксарият пайтлар нутқ товушларининг редукцияланиши, ўрин алмашинуви, бир-бирига таъсир этиши каби қатор ходисалар туфайли, ёзма нутқ жонли талаффузга кўчганда бошқача тус олади. Зотан, ана шу ходиса, яъни ёзма нутқдан оғзаки нутқнинг фарқ қилиб туришида, жонли нутқнинг ҳаётийлиги, самимийлиги намоён бўлади. Шунинг учун ҳам, ҳар бир сўз санъаткори орфоэпик қоидаларини билиш ва ундан унумли фойдаланишга қобил бўлиши шарт.

Ўзбек орфоэпиясининг барча қоидаларини қатъий аниқлаб чиқиш бошқа тадқиқотчиларнинг иши. Шунинг учун ҳам, қуйида келтириладиган орфоэпик қоидаларни оддий қоидалар деб атаймиз. Сўз ижрочилари ҳозиргача ана шу қоидаларга итоат этганларида ҳам, нутқ жонлилиги ва адабий талаффуз меъёрларига янада яқинлашувда айрим ижобий силжишлар юз берар деган умиддамиз. Оддий орфоэпик қоидалар эса қуйидагилардан иборат:

1. а) А унлиси ака, ука, гал, каталак, капалак, бизга, бўлган каби сўзларда юмшоқ айтилади.

б) Қанақа, ғалаба, исирға, зағча, қарчиғай, палак, гардиш, томорқа каби сўзларда қаттиқроқ талаффуз этилади.

2. а) О унлиси офтоб, олам, олим, орият, доно, баҳор, озор сингари сўзларда чўзиброқ талаффуз этилади.

б) Обрў, бозор, бодом, бодринг, совук, совун, сой каби сўзларда эса қисқароқ талаффуз этилади.

г) Завод, вагон, поезд, тонна, футбол, орден каби сўзлардаги о товуши ў товушига яқинроқ талаффуз этилади.

д) Директор, трактор, экскаватор, каби сўзларидаги о товуши ноаниқроқ и товуши майлида айтилади.

3. а) И унлиси билан, бирга, бироқ, сира, тилак, зирак, зира, сўзларидаги л, р, з товушларидан олдин келса, қисқа ва билинар-билинемас тарзда айтилади.

б) Қилиқ, қирқ, қирғич, хирмон, ғишт сўзларида и унлиси йўғонроқ талаффуз этилади.

в) Биринчи бўғинда ў унлиси бўлган ўтин, ўттиз, тўққиз, кўмир, ўйин, каби сўзларда, охири бўғиндаги и товуши у га мойилроқ айтилади.

4. Е унлиси бел, кел, шер, кеч, беда, терак, теран, бешик, терим каби сўзларда худди этак, эрка, элак, элат сўзларидаги каби э тарзида талаффуз этилади.

5. Э унли товуши деган, беҳи, меҳнат, меҳмон каби сўзларда и товушига мойилроқ айтилади.

6. У унлиси сўнгги ёпиқ бўғин бошидаги в товушидан кейин келган чоғда и товушига мойилроқ айтилади. Қовун, товуш, тарвуз, ҳовуз ва ҳ.к.з.

7. Айрим ҳолларда икки бўғинли сўзларнинг иккинчи ёпиқ бўғинида қисқароқ айтиладиган у ёки и унлиси келса, эгалик қўшимчаси қўшилганида иккинчи бўғиндаги у ёки и унлиси тушиб қолади: қорин-қорни, бурун-бурни, оғиз-оғзи ва ҳ.к.

8. а) Б-Д жарангли ундошлари сўз охирида келганда п-т тарзида айтилади. Масалан: мактаб(п), тартиб(п), тарғиб(п), китоб(п), мақсад(т), обод(т), озод(т).

б) Хон, -чан, -сиз қўшимчалари олдида келган жарангли б ундош товуши жарангсиз п товуши каби айтилади: талаб(п)чан, тартиб(п)сиз, китоб(п)хон.

9. а) Н товуши қоронғи, қўнғиз, қўнғир, кўланка, аланга сўзларида қ,ғ,к,г ундошлари олдида келганда нг товуши тарзида айтилади.

б) Шанба, якшанба, айланма, ёнма-ён, сунбул каби сўзларга б, м товушларидан олдин келган н товуши м тарзида айтилади.

10. Ч товуши т ундошидан олдин келса ш тарзида айтилади. Масалан: учта-ушта, почта-пўшта.

11. а) Ъ (айириш белгиси) унли товушдан кейин келган бўлса, ўша унли чўзиброқ талаффуз этилади. Масалан: маъно, таъна, таъсир, ваъда, таъриф, меъёр.

б) Айириш белгиси ундош товушдан сўнг келса овоз бир оз тутилиб, унли ундош товушларни айириб талаффуз этилади. Масалан: журъат, суръат, санъат, қитъа, масъул.

в) Айириш белгиси талаффузидаги талабларга риоя қилиш шарт, чунки унинг тушиб қолиши сўзнинг маъносини ўзгартириб юборади. Масалан: шеър-шер, таъна-тана, суръат-сурат, даъво-даво, саъва-сава.

12.а) Қ ундоши билан тугалланувчи сўзларга эгалик қўшимчаси қўшилганда кўпинча қ товуши ғ тарзида талаффуз этилади. Масалан: ўртоқ-ўртоғим, бошлиқ-бошлиғим, тароқ-тароғим, таёқ-таёғим.

в) Қ ундоши билан тугалланувчи бир бўғинли сўзлар эса бу қоидага бўйсунмайди ва аслича талаффуз этилади. Масалан: ўк-ўки, тўқ-тўки, тақ-таққин.

г) Иттифоқ, ҳуқуқ каби сўзлардаги қ ундошлари ҳам талаффузда ўзича қолаверади. Масалан: Иттифоқи, ҳуқуқи .

13.а) К ундоши билан тугалланувчи сўзларга эгалик қўшимчаси қўшилганда к товуши г тарзида талаффуз этилади. Масалан: билан-билагим, тилак-тилагим, элак-элагим, узук-узугим.

б) К ундоши билан тугалланувчи бир бўғинли сўзлар эса бу қоидага бўйсунмайди ва к товуши аслича талаффуз этилади. Масалан: ток- токи, нок-ноки, кўрк-кўрки.

в) Идрок, иштирок каби айрим сўзлардаги к ундоши ҳам ўзича қолади.

14.а) Х ва Ҳ ҳарфлари айрим-айрим ундош товушни ифода қилади. Уларнинг ёзилиши ҳам, айтилиши ҳам бир-бирига ўхшамайди. Ҳ товуши Х товушига нисбатан юмшоқроқ айтилади. Масалан: халқ-махкам, пахта-суҳбат, хаёл-ҳолва.

б) Х ва Ҳ товушларининг алмашиши сўзнинг маъносини бутунлай ўзгартириб юборади. Масалан: шох-шоҳ, ухлади-ухлади, хол –ҳол.

15.Баъзан сўз охирида қатор ҳар хил ундошларнинг сўнгиси талаффузда тушиб қолади. Масалан: дўст-дўс(т), ғишт-ғиш(т), артист-артис(т).

16. а) Урғусиз бўғиндаги унлилар кўп вақт кучсизланади. Масалан: билан, пишган, билак, билим, билимдон.

б) Сўз ўртасидаги урғусиз унли эса билинар-билинемас даражада айтилади ёки бутунлай айтилмайди. Масалан: математика, телефон.

17. Ёнма-ён келган бир хил қўш ундош аниқ талаффуз этилади. Масалан: аввал, аммо, дўппи, арра, етти, содда, икки, чаққон, пилла, иззат, ва ҳ.к.з.

Оралиқ назорат учун саволлар:

1. *Нутқ маданияти деганда нимани тушунасиз?*
2. *Нутқ маданиятининг қандай шакллари биласиз?*
3. *Буюк алломаларнинг нутқ маданияти хусусидаги фикрлари ҳақида гапириб беринг?*
4. *Адабий талаффуз нима?*
5. *Унли ва ундош товушларнинг талаффузи ҳақида гапириб беринг?*
6. *Орфоэтик қоидалар ҳақида гапириб беринг?*

II-БОБ

ДИКЦИЯ

Саҳна нутқи саҳнадан туриб айтиладиган сўздир. Сўз эса тафаккур хазинасининг кўзгуси бўлиб, у фақат фикрни ифодалаш воситасигина бўлиб қолмасдан, балки қаҳрамоннинг ички дунёсини фаол ифодаладиган асосий омил ҳамдир.

Қаҳрамонларнинг фикран тўқнашувларида ва бошқаларнинг тақдири учун курашда, ниҳоят, муддаога эришишда сўз асосий қуроллардан биридир.

Битта сўз оламни вайрон қилади,

Битта сўз кўрқоқни полвон қилади.

Жалолиддин Румий

Сўзнинг маъноси қанчалик аниқ ва ўткир бўлса, шунчалик таъсирчан бўлиб, кўзланган мақсадни амалга оширишни осонлаштиради. Шунинг учун ҳам аввало ижроқидан сўзга катта масъулият ва нозик дид билан қарашни талаб этади.

Нутқни юксак бадиият, нафис санъат даражасига кўтарувчи манбалар тизими мавжуд. Бу – овоз, нафас, талаффуз манбалари бўлган оғиз бўшлиғи, лаблар, тишлар, тил, бурун йўлаклари, қайтарғичлар (резонаторлар), томоқ, овоз пайчалари, ўпка йўлаги (кекирдак, бронх), ўпка ҳаво бўшлиқлари, диафрагма пардаси каби қатор тана аъзоларидан иборат. Санъаткорлар билан санъаткор бўлмаган кишилар ўртасидаги муайян фарқ ҳам шундаки, ҳақиқий санъаткорнинг ҳар бир аъзоси, хусусан, нутқ органлари онгли равишда ўзига бўйсунди ва зарур бўлганда керакли тон, зарурий нотага созланади. Бундай мукамалликка эришмоқ учун эса инсоният тарихий тараққиёти ва хусусан санъат тарихий тараққиёти жараёнида ишлаб чиқилган, амалда синовлардан ўтган ва бутун дунё миқёсида тан олинган жисмоний ва психологик машқлар тизими (системаси) мавжудки, улар санъат тилида “нутқ техникаси” деб аталади.

Театр санъатининг таркибий қисми бўлган сахна нутқи бир неча муҳим тармоқларни ўз ичига олади. Бу нуктаи назардан сахна нутқи фани икки қисмга бўлинади.

1. Сахна нутқи техникаси.

2. Бадиий ўқиш.

Сахна нутқи техникасининг ўзи ҳам бир-бирига ўхшамаган, лекин ўзаро алоқадор, бир-бирини тўлдирувчи қатор таркибий қисмлардан иборат.

Булар:

1. Артикуляция

2. Дикция (талаффуз)

3. Орфоэпия

4. Нафас

5. Овоз

Нутқ техникасини пухта эгалламай туриб тингловчи ёхуд томошабин руҳиятига сингиш, унга таъсир ўткази олиш асло мумкин эмас. Демак, ҳар бир сўз санъаткори узлуксиз машқлар тизими орқали нутқини ўз ифодасига сўзсиз бўйсунганини таъминлаши керак. Ана шундагина унинг сўзи аниқлик, мукамаллик ва бадиий таъсирчанлик сифатларига эга бўлади. Нутқ техникасини ўзлаштириш талабадан сабр бардош, меҳнат, кўп ўқиш, ўз устида тинимсиз изланишни талаб этади.

Талабалар нутқини такомиллаштириш омилларидан бири шуки, нутқ равон, аниқ ва оммабоп бўлиши кераклигидир. Нутқнинг аниқлигини таъминлашда маълум шарт ва шароитлар бор. Шулардан энг муҳимлари тубандагилардир: ягона адабий талаффуз қонун-қоидаларига амал қилиш, нутқ товушларининг пайдо бўлиш ўринлари ва усулларини билиш, нутқ жараёнида юз берадиган органик ва ноорганик камчиликларни ҳисобга олиб, уларни бартараф этиш, нутқ санъатига алоҳида аҳамият бериш ва бошқалар.

Адабий талаффуз ягона умумхалқ адабий тилининг қонунларига мос равишда сўзлаш, оғзаки нутқнинг бир хиллигини таъминловчи қоидалар тўплами демакдир.

Фан тилида адабий талаффуз – орфоэпия атамаси билан юритилади.

Адабий талаффуз баён этилган нутқнинг тингловчига енгиллик билан етиб боришига имкон беради. Шу жиҳатдан талаффуз аниқлиги, айниқса, маданият ва санъат ходимлари учун катта аҳамиятга эгадир.

Адабий тилнинг қонун-қоидаларини пухта эгаллаб олган, орфоэпия нормаларига тўла амал қилган талабагина ўз нутқининг равон, ўткир ва таъсирли чиқишига, чуқур ҳис ва ҳаяжоннинг ифодали бўлишига эриша олади.

Аксинча, ягона адабий талаффуз қоидаларидан четга чиқиш ва маҳаллий шева, диалект асирлигида қолиб кетиш тингловчида сўзловчининг нутқи ва санъатига этиборсизликни кучайтиради, нотикнинг фикрини туманлаштиради, англашилмайдиган ҳолга келтиради.

Анатомия ва физиология фанларининг кўрсатишича, нутқ товушлари ўпкадан чиққан нафаснинг товуш пайчаларини титратиб ўтишидан пайдо бўлади. Товуш пайчаларининг титраши натижасида пайдо бўлган товуш оғиз ва бурун бўшлиқларида нафаснинг эркин ёки тутилиб ўтишида турли вазиятларга киради ва нутқ товушининг маълум хилини вужудга келтиради. Оғиз бўшлиғи ва икки лаб орасида ҳарф ҳеч қандай тўсиқликка учрамаса унли товушлар, тўсиқликка учраса, ундош товушлар ҳосил бўлади.

Нутқ товушларининг пайдо бўлишида товуш пайчалари билан бир қаторда бошқа нутқ органлари, чунончи, жағ, оғиз ва бурун бўшлиқлари, лаб, тил, тиш, қаттиқ танглай, юмшоқ танглай, кичик тил катта ўрин тутати. Лаб ва тилнинг хизматларига кўра унли ва ундош товушлар ҳар хил шаклга киради.

Тилнинг ётиқ ҳаракатида тил орқага тортилиши натижасида қаттиқ, олдинга сурилиши натижасида юмшоқ унлилар вужудга келади. Тилнинг тик ҳаракатида тилнинг юқорига кўтарилиши натижасида тор, туширилишида кенг унли пайдо бўлади. Лабнинг орқа томон тортилишида лабланмаган, олдинга ҳаракат қилишида эса лабланган унлилар юзага келади.

Унли товушлар

*Унлилар сўзнинг кўрки, лаззати.
Маннон Уйғур*

Нутқимизнинг равон ва оҳангдор бўлишида унли товушларнинг ўрни беқиёсдир. Шунинг учун техник машқларда унли товушлар талаффузига алоҳида диққат қилиш ва улар устида махсус иш олиб бориш зарур.

Дикция - нутқ товушларининг талаффуз этиш меъёри. Дикцион машқлар – нутқ товушларидаги нуқсонларни бартараф этиш, талаффузни аниқ ва ёрқинлаштириш мақсадидаги машқлар.

Ҳозирги замон ўзбек тилидаги 6 та унли фонема – и, э, а, о, ў, у ёзма шаклини олган. Аммо талаффуз пайтида бу фонемалар ўзига хос турли вариантларга эга бўлади. Уларни мукамал ўрганиш ва ораларидаги фарқларини билиш учун талабалар билан кўпроқ амалий иш олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Масалан, лабланмаган тил олди И унлиси ҳозирги ўзбек адабий тилида ишлитилиш ўрнига кўра **бил, тил**, каби сўзларда ёпиқ ва жуда қисқа ёки **билими, тиним** каби сўзларида бир мунча кенг ва очикроқ, ёхуд **муҳим, муҳит** каби сўзларда узун айтилгани каби. Бу ҳол бошқа унлиларда, чунончи лабланган тил олди Ў унлисида ҳам учрайди.

Ҳар бир товушнинг ҳосил бўлиш ўрни ва вазияти лўнда ва содда қилиб тушунтирилиши лозим. Масалан: И товушини тўғри талаффуз этиш учун илжайиш вазиятини ҳосил қилиш керак. Сўнгра урғусиз аста талаффуз эттирилиб текширилади. Бу талабга биноан ҳар бир талабада И товушининг соф ва тўғри бўлиши қулайлашади. Бу товушларнинг сўзларда вариантларини аниқлаш ва ораларидаги фарқларини билиш мутлақо зарурдир. Бунда асос эътибор И, А, Ў, У фонемаларига қаратилади.

Қуйидаги сўзларнинг ўқилишига эътибор қилинса, ҳар бир унлиларнинг варианты ва уларнинг фарқи аниқланади.

У

Кир - кир

Умуман - уйда

Иш - қиш
Сийрак - сирғалувчи

Қуруқ - куврак
Қуроқ - курак

А

Қалам - карам
Тахта - камалак
Ғалтак - газмол

Ў

Ўриш - ўриш (сочни, ўтни)
Ўт - ўт (олов, майса)
Ўтказ - ўтказ (кўчат ўтқазиш,
игнага ип ўтқазиш)

Унли фонемаларнинг сўз бошида, ўртасида ва охирида келишига қараб ўрнини аниқлаш.

И - илтижо, гилос, ўкиди

Э - эртак, терак, эҳе

А - арча, барча, дара

О - олма, бодом, оро

Ў - ўтлоқ, бўғот, обрў

У - урғу, сув, кўзгу

И - ижро, гиёҳ, кўрди

Унли товушлар юзасидан бу амалий ёндошиш талабаларда соф талаффуз учун курашнинг асосий омилларидан биридир. Уларни қай хилда имтиҳонга олиб чиқиш ҳар бир ёндошувчининг ҳукмига ҳавола. Адабий талаффуз қонунлари ва қоидаларига амал қилган ҳолда унли товушларни аниқ талаффуз этиш учун Тошкент, Наманган, Қўқон, Андижон ва Хоразм шеваларидан намуна келтирсак, адабий талаффуз ойдинлашади.

ТОШКЕНТ

Тўғри

Айт

Жасур

Миннатдор

Дедим

Айтолмайман

Нотўғри

Эт

Жосур

Мўннадор

Дўдўм

Этомиман

Умид
Кумуш

Умўт
Кўмиш

Наманган

Тўғри
Келяпти
Кетяпти
У ерда
Ана бу ерда

Нотўғри
Келутти
Кетутти
Эйда
Энвайда

Қўқон

Олма
Оёқ
Шу ерда

Алма
Аяқ
Шатта, ашатта

Андижон

Қиладиган
Бўлган
Қолган

Қиладиган
Бўган
Қоған

Хоразм

Келдим
Кетдим
Ўзингга бердим

Галдим
Гаттим
Озинга бардим

Бир товуш ўрнига иккинчи товушни алмаштириб ишлатиш жиддий хатолардандир. Ягона адабий талаффуз қоидаларидан четга чиқиш ва маҳаллий шева асирлигида қолиб кетиш тингловчида сўзловчининг нутқи ва санъатига эътиборсизликни кучайтиради. Ўзбек халқи ягона адабий тил билан бир қаторда маҳаллий шевада ҳам гаплашади. Шева хусусиятлари айрим жойларда ҳам кучли сақланиб қолган ва бу ҳол узоқ давом этади. Бу хусусиятлар турлича: оёқ сўзини аяқ ёки аяғ, олма, бола сўзларини алма, бала, янги сўзини енги тарзида талаффуз этиш.

Унли товушларни мустаҳкамлаш учун матнлардан фойдаланиш мумкин. Қуйида матнлар намунасини келтирамыз:

И

Ҳой биз эдик, биз эдик,
Ўттиз икки қиз эдик.
Бир тахтага тизилдик,
Бирор-бирор узилдик.

(Топишмоқ)

Келди, баҳор, гул баҳор
Эриб битди оппоқ қор.
Учиб келди қушларжон,
Дарахтлар такди маржон.
Сувлар оқар шилдираб,
Юлдуз боқар милдираб,
Чумолилар яйрашар,
Шўх булбуллар сайрашар.
Қуёш нурларин сочди,
Атиргул ғунча очди.

(Ш.Саъдулла)

Э

У очилди тонг чоғида
Эрка чечак, ой чечак.
Бойчечак деб атадилар,
Гуллар ичра келинчак.

(М.Қўшоқов)

Эрта турганнинг иши эрта битар.

(Мақол)

Эркин эртаги экин экишни эртага эрталабдан эплайди.

(Тез айтиши)

Элакка чиққан хотинни эллик оғиз гапи бор.

(Мақол)

А

“Ҳамма нарсa меникидир”- деди зар;
“Ҳамма нарсa меники”- деди ханжар.
Зар дедики: - “барин сотиб оламан”;
Ханжар деди: - “барин тортиб оламан”.

Алла, алла, орастасан,
Алла, қўзим алла.
Гуноҳи йўқ норастасан,
Алла, қўзим алла.

О

Олтин тожли
Султонман.
Сомса, патир,
Ширмонман.
Азиздирман
Одамга,
Арзандаман
Оламга.

(А.Обиджон)

Сен баланда – биз пастда,
Оймомажон, оймома.
Талпинамиз ҳавасда
Сенга томон, ҳой момо,
Қўйни – қўнжи ғаройиб.
Сир, ҳикматга бой момо.

(Н.Парда)

Ў

Қонга кирган сут билан,
Ўзбек тилим, ўз тилим.
Ардоқлайман юрт билан,
Ўзбек тилим, ўз тилим

Бурро – бурро сўзлайман,
Келажагим кўзлайман,
Истиқболим, иқболим,
Ўзбек тилим, ўз тилим.

(С.Очил)

Қалбда ҳамон ўша ёзу
Ўша кўк чашма.
Ўша созу ўша нозу
Ўша карашма.

(Э.Воҳидов)

У

Бошим эгик,
Мажнунҳол,
Мажнунтолман,
Мажнунтол.
Дам олсангиз
Соямда,
Мен сизлардан
Мамнун тол.

(Э.Воҳидов)

Кеча – кундуз
Ухлайман,
Мева тугдим
Гуллайман
Мевам ўзи

Гулчадир.

Тилларангли

Кулчадир.

(Э.Воҳидов)

Шеванинг фонетик хусусиятини, бозорга сўзида бозорда, ишга сўзини ишда, йиғлаяпти сўзини яғлавотти, олдик сўзини олдивуз ёки одивуза тарзида айтиш морфологик хусусиятини, челак сўзи ўрнида сатил, пақир, хурмача ўрнида лапағ сўзини ишлатиш лексик хусусиятини кўрсатади. Бўлажак режиссёр –талаба нуткида қайси шаҳар ёки вилоятдан бўлишидан қатъий назар, маҳаллий диалект талаффузининг ҳар қандай хусусияти асло бўлмаслиги керак. Демак талаба адабий талаффуз конунларига тўла риоя қилиши мутлақо шарт. Шундагина томошабин, тингловчилар унинг нутқини енгил ва тез тушуна оладилар.

Ундошлар

Маълумки, ундош фонемалар товуш пайчаларининг ҳаракати ва ҳолатига кўра иккига бўлинади: жарангли ва жарангсиз ундошлар. Жарангли ундошлар: б, в, м, д, з, н, л, р, ж, г, ғ ва жарангсиз ундошлар: п, ф, т, с, ш, ч, ц, к, қ, х, ҳ.. Фақат шовқиндангина иборат товушлар жарангсиз, аммо шовқинга овоз қўшилишидан ҳосил бўлган товушлар жарангли ҳисобланади. Ундошлар орасида шундай товушлар борки, уларда шовқинга нисбатан овоз устун туради. Бу хил ундошлар сонор ҳисобланади: м, н, р, л. Ундош товушларнинг унлилардан ажраладиган муҳим хусусияти шундаки, ундошларни талаффуз этганда ўпкадан чиққан ҳаво маълум жойда икки нутқ орасида тўсиқликка учрайди. Бу ҳолат ундошларнинг пайдо бўлиш ўрнини маҳражини кўрсатади.

Ўзбек адабий тилидаги ундошлар пайдо бўлиш ўринларига кўра бешга бўлинади:

1) лаб ундошлари: п-б, ф-в, м.

2) тил олди ундошлари: т-д, с-з, н, л, р, ж-ш, ч-ш, ц.

3) тил ўрта ундоши: й

4) тил орқа ундошлари бу икки хил – саёз тил орқа к-г, қ; чуқур тил орқа қ, х, ғ.

5) бўғиз ундоши: ҳ.

Нутқнинг равон ва аниқ бўлишини таъминлашда, нутқ жараёнида юз берадиган ноорганик камчиликларни тузатишда ва шу мақсад учун нутқ органларидан тўғри ва тўлиқ фойдаланишда сахна нутқининг техник томонини ўргатувчи машқлар муҳим аҳамиятга эгадир.

Машқлар очик ва ёпиқ бўғинни ташкил этувчи унли ва ундошлар бирикмаси ёки алоҳида бўғин, айрим сўз ва сўз бирикмалари, гап ва матнлар устида олиб борилиши мумкин.

Ундош товушлар учун машқлар

Ундош п-б товушлари

П – товушини талаффуз этганимизда ҳаво тўлқини жипслашган лабларни ёриб портловчи, жарангсиз лаб ва лаб “п” товушини ҳосил қилади.

П – ундошига унли товушларни қўшиб бўғиндек талаффуз этиш:

1. Пи, пе, па, по, пў, пу, пи.

Иккинчи бўғиндаги унлиларга урғу бериб талаффуз этиш

2. Пи-пи, пе-пе, па-па, по-по, пў-пў, пу-пу, пи-пи.

Машқни мустаҳкамлаш учун алоҳида сўзлар бирикмаси ва гаплар, кичик матнлар танлаш мумкин. Қуйидаги машқларни бажарганда бўғинларни ҳаддан ташқари чўзмасдан, биринчи гапгача нафасни бўлмай бир нафасда талаффуз этиш керак. Бу машқларда лаблар жуда эпчиллик билан ҳаракат қилиши лозим.

3. Пи – пи – пи – пи - пинҳон, пилик, пинж, пинак, пилта, пиёла.

Пе – пе – пе – пе - пешона, пешвоз, печак.

Па - па - па - па – пахта, панд, паризод, пайваста.

По – по – по – по – порлоқ, поёнсиз, попук, полиз, покиза.

Пў – пў – пў – пў – пўкак, пўстлоқ, пўстин.

Пу – пу – пу – пу – пушаймон, пухта, пуфак.

Б – ундошини талаффуз этганимизда оғиз бўшлиғидан чиққан ҳаво жипслашган лабларни қаттиқ итариб очади ва шовқин пайдо қилиб, портловчи, жарангли лаб ва лаб “Б” ундоши ҳосил бўлади.

Урғусиз

4. би, бе, ба, бо, бў, бу, би.

Урғу билан

5. би – би, бе – бе, ба – ба, бо – бо, бў – бў, бу – бу, би – би.

Б – ундоши учун

6. би – би – би – би - биёбон, билим, бийрон, битим.

бе – бе – бе – бе - безак, бешик, беозор, бежирим.

ба – ба – ба – ба - барно, баҳо, бало, бадавлат.

бо – бо – бо – бо - бобо, боғ, боғбон, бола, ботир.

бў – бў – бў – бў - бўстон, бўтакўз, бўзчи, бўза.

бу – бу – бу – бу - булбул, бутун, бултур, бурч.

Ундош п–б 4 марта такрорланади

п- б, п - б, п - б, п - б.

П – б ундошларни қўшиб айтиш:

7. пи – би, пе – бе, па – ба, по – бо, пў – бў, пу – бу, пи – би.

8. би – пи, бе – пе, ба – па, бо – по, бў – пў, бу – пу, би – пи.

9. пи – би – би – би – б и п п

пе – бе – бе – бе – б е п п

па – ба – ба – ба – б а п п

по – бо – бо – бо – б о п п

пў – бў – бў – бў – б ў п п

пу – бу – бу – бу – б у п п

пи – би – би – би – б и п п

10. би – пи – пи – пи – п и б б

бе – пе – пе – пе – п е б б

ба – па – па – па – п а б б

бо – по – по – по – п о б б

бў – пў – пў – пў – п ў б б

бу – пу – пу – пу – п у б б

би – пи – пи – пи – п и б б

11. пи – би – б и п п

пе – бе – б е п п

па – ба – б а п п

по – бо – б о п п

пў – бў – б ў п п

пу – бу – б у п п

пи – би – б и п п

12. би – пи – п и б б

бе – пе – п е б б

ба – па – п а б б

бо – по – п о б б

бў – пў – п ў б б

бу – пу – п у б б

би – пи – п и б б

Нутқ органларининг муайян қисмини фаоллаштиришга ўргатиш учун
матнлар.

13. П – Яшил япроқ, хуш япроқ,

Зар япроқ, кумуш япроқ.

(Миртемир)

Паризод қип-қизариб пишган пўрсилдоқ патирларни тандирда
ёпиб, Пўлатойларникига йўл олди.

14.Б - Шу оддий кўз билан боқмагил, балки,

Билим кўзи билан боққил жаҳонга.

(Рудакий)

Зоғ бўлак, булбул бўлакдир,

Кун бўлак, кундуз бўлак.

(Дурбек)

Бўлди булбул бу баҳорда бахтиёр,
Булбул сайрар бу баҳорда бахтиёр.

(Н.Алиева)

Букун ўзгачадир жилваи олам,
Букун ўзгачадир борликда ханда.
Букун кўзларимга ҳатто қуёш ҳам ,
Шафақ гулшанида таранг чирманда.

(Э.Воҳидов)

Ундош Ф – В товушлари

Ф – ундошини талаффуз этганимизда устки лаб бироз юқори тортилиб, устки тишлар кўринади. Пастки лаб эса юқorigи тишларга тегиб туради. Ҳаво тўлқини тиш ва лабларнинг орасидан сирғалиб ўтиши натижасида жарангсиз лаб ва тиш ф ундоши ҳосил бўлади.

Урғусиз

1. Фи , фе , фа , фо , фў , фу , фи

Урғу билан

фи – **фи**, фе - **фе**, фа - **фа**, фо – **фо**, фў - **фў**, фу - **фу**, фи – **фи**

Ф ундоши учун

2. фи – фи – фи – фи - фидокор, фидои, фироқ, фиғон
фе – фе – фе – фе - феъл, ферма, феруза
фа – фа – фа – фа - фақат, фалак, фаҳм, фаросат, фазилат
фо – фо – фо – фо - фозил, фойдали, Фотима, Фотих
фў – фў – фў – фў - (бунда ўзбек тилида сўз йўқ)
фу – фу – фу – фу - фуқаро, фурсат, Фурқат, футбол
3. Фосиқдан ҳаё тилама,
Золимдан - вафо.

(мақол)

Фикри равшаннинг сўзи равшан.

(мақол)

Фикрсиз одамдан тош яхши.

(мақол)

Бўтакўзлар саф - сафдир,

Ўртасида садафдир.

(Ш.Рашидов)

В - товушини талаффуз этганимизда лаблар олдинга қараб бироз чўзилади, лабнинг ораси очиқ бўлиб, бу ораликдан товуш тўлкини чиқиб сирғалувчи, жарангсиз лаб ва лаб В ундоши ҳосил бўлади.

Урғусиз

4. Ви, ве, ва, во, вў, ву, ви

Урғу билан

5. Ви – ви, ве - ве, ва - ва, во - во, вў - вў, ву - ву, ви - ви

В - ундоши учун

6. Ви – ви – ви – ви - висол, видо, виқор, виждон

Ве – ве – ве – ве - вергул

Ва – ва – ва – ва - вақо, ваъда, варақа, васл

Во – во – во – во - водий, воҳа, воқеа, воқиф, ворис

Вў – вў – вў – вў - (ўзбек тилида сўз йўқ)

Ву – ву – ву – ву - вужуд, вулқон

7. В–Вақ–вақ, вақ – вуқ ваққиллашим - вақтихушлигу
вақтичоғлигимдандир, Визилдоқ !....

Вақтимхуш, вақ – вақ, вақтимчоғ, вақ – вуқ !....

Вақтимхуш, вақ – вақ, вақтимчоғ, вақ – вуқ !....

(“Ҳарфлар ўйини” М.Хидир)

Ундош Ф-В (4 марта такрорланади)

8. Ф-в, ф-в, ф-в, ф-в

Ф-в ундошларининг бирга қўшиб айтиш;

9. Фи-ви, фе-ве, фа-ва, фо-во, фў-вў, фу-ву, фи-ви

10. Ви-фи, ве-фе, ва-фа, во-фо, вў-фў, ву-фу, ви-фи

11. Фи – ви – ви – ви – вифф

Фе – ве - ве - ве – вефф

Фа – ва – ва – ва - вафф

Фо – во – во – во – вофф

Фӱ – вӱ – вӱ – вӱ – вӱфф

Фу – ву – ву – ву – вуфф

Фи – ви – ви – ви – вифф

12. Ви – фи – фи – фи – фивв

Ве – фе - фе - фе – февв

Ва – фа – фа – фа - фавв

Во – фо – фо – фо – фовв

Вӱ – фӱ – фӱ – фӱ – фӱвв

Ву – фу – фу – фу – фувв

Ви – фи – фи – фи – фивв

Лаб ва тиш ундоши Ф билан лаб ва лаб ундоши П учун машқлар

13. Пи-фи, пе-фе, па-фа, по-фо, пӱ-фӱ, пу-фу, пи-фи

14. Фи-пи, фе-пе, фа-па, фо-по, фӱ-пӱ, фу-пу, фи-пи

15. П-Ф ундоши учун

Пи-фи-фи-фи - пифф

Пе- фе-фе-фе - пефф

Па- фа-фа-фа - пафф

По- фо-фо-фо - пофф

Пӱ- фӱ-фӱ-фӱ - пӱфф

Пу-фу-фу-фу - пуфф

Пи- фи-фи-фи - пифф

16. Фи- пи-пи-пи - фипп

Фе-пе-пе-пе - фепп

Фа-па-па-па - фапп

Фо-по-по-по - фопп

Фӱ-пӱ-пӱ-пӱ - фӱпп

Фу-пу-пу-пу - фупп

Фи- пи-пи-пи - фипп

П ва Ф ундошларини бир-бирига қориштириб юбормаслик ва уларни тўғри талаффуз этиш учун яна мисоллар келтирамиз.

Тўғри талаффуз

Фарғона

Фозил

Фотима

фидо

фидокор

фурсат

Фурқат

фойда

вафо

фуқаро

фазилат

фарзанд

илтифот

сифат

фикр

фармон

инсоф

афанди

манфаат

Нотўғри талаффуз

Парғона

Позил

Потима

пидо

пидокор

пурсат

Пурқат

пойда

вапо

пуқаро

пазилат

парзанд

илтипот

сипат

пикир

пармон

инсоп

апанди

манпаат

Ундош Т-Д товушлари

Т-ундошини талаффуз этганимизда тилнинг учи юқори тишларнинг орқа томонига ёпишиб туради, товуш тўлқини бу тўсиқни ёриб чиқишида портловчи, шовқинли, жарангсиз тил олди Т ундоши ҳосил бўлади.

Урғусиз

1. Ти, те, та, то, тў, ту, ти

Урғу билан

2. Ти –**ти**, те – **те**, та – **та**, то – **то**, тў – **тў**, ту – **ту**, ти - **ти**

3. Т – ундошини яна ҳам пухта айтилиши учун техник машқ ва мисоллар.

Ти – ти – ти – ти - тийрак, тирак, тикон

Те – те – те – те - тетик, терим

Та – та – та – та - талаб, табассум, табрик, танҳо, талаб, тартиб

То – то – то – то - тотув, толиб, тол, томоқ, тор

Тў – тў – тў – тў - тўрва, тўғри, тўплам, тўкис, тўн

Ту – ту – ту – ту - тугун, тушум, турна, тухфа, тун

Юқоридаги товушларни равон ва аниқ талаффуз этиш учун машқлар

4. Т – ундошини мустаҳкамлаш учун матнлар

Тиёншон тоғининг тагида

Трактор тормозини тополмай,

Тиркачини торта олмай

Тириллаб турибди.

(Ғайратий)

Теранликни қидирмадим уммонлардан,

Инсонлардан топдим уни, инсонлардан.

Теранлик бу – нур ёғилган юзлардадир,

Теранлик бу – ўйчан боққан кўзлардадир.

Теранлик бу – айтилмаган сўзлардадир.

(Э.Воҳидов)

Тўлқинланиб учар оҳиста оҳанг,

Тўлқинланиб учар теран туйғулар.

Бир лаҳза тўхтаб қиз созлайди таранг,

Кўзларидан қочади оғир уйқулар.

(Миртемир)

5. Д – товушининг ҳам талаффузи “Т” товушидек, фақат д ундоши
портловчи, жарангли тил олди товуши.
Т –Д ундошларини талаффуз этганда қаттиқ талаффуз учун ҳаракат қилиш
керак.
6. Ди – ди – ди – ди - дийдор, диёр, дийда
де – де – де – де - девор, девон, деҳқон
да – да – да – да - дарахт, давлат, дара
до – до – до – до - дорбоз, достон, довул
дў – дў – дў – дў - дўлана, дўст, дўхтир
ду – ду – ду – ду - дугона, дутор, дугоҳ
Урғусиз
7. ди, де, да, до, дў, ду, ди
Урғу билан
8. Ди – **ди**, де - **де**, да - **да**, до - **до**, дў - **дў**, ду - **ду**, ди - **ди**
9. Д ундоши учун
Дадамнинг дадаси – дадамни дармонсиз деб дархонлик Даврондан дори
бериб дарвозагача кузатибди.
10. Т – Д ундошларига унли товушларни қўшиб талаффуз этиш
Ти – ди, те – де, та – да, то – до, тў – дў, ту – ду, ти – ди.
11. Ди – ти, де – те, да – та, до – то, дў – тў, ду – ту, ди – ти.
12. Ти – ди – ди – ди - дитти
Те – де – де – де - детте
Та – да – да – да - датта
То – до – до – до - дотто
Тў – дў – дў – дў - дўттў
Ту – ду – ду – ду - дутту
Ти – ди – ди – ди – дитти
13. Ди – ти – ти – ти - тидди
Де – те – те – те - тедде
Да – та – та – та - тадда

До – то – то – то - тоддо
Дў – тў – тў – тў - тўддў
Ду – ту – ту – ту - тудду
Ди – ти – ти – ти – тидди

К – Г ундош товушлари

К – Г ундошларини талаффуз этганимизда тилнинг орқа қисми юмшоқ танглайга тегиб, учи эса пастки тишларнинг тагига тегиб туради.

Ичкаридан келган ҳаво тўлқини бу тўсиқни ёриб тилни юмшоқ танглайдан ажратиш билан жарангсиз, портловчи К ва жарангли, портловчи Г ундоши ҳосил бўлади.

1. К – Г ундошлари (4 марта такрорланади)

К – Г, К – Г, К – Г, К – Г

Урғусиз

2. Ки, ке, ка, ко, кў, ку, ки

Урғу билан

3. Ки - **ки**, ке – **ке**, ка - **ка**, ко - **ко**, кў - **кў**, ку - **ку**, ки – **ки**

4. Ки –ки-ки-ки-кийик,кийим, кичик

ке – ке – ке – ке - келажак, кема, кечки

ка – ка – ка – ка - капалак, камалак, камон, капкир, каноп

ко – ко – ко – ко - кокил, копток, кон, Козим, Комил

кў – кў – кў – кў - кўприк, кўйлак, кўмир, кўппак

ку – ку – ку – ку - кулги, курак, куврак, кулдон, кумуш

5. К ундоши учун матнлар

Қўлларида асо, кексалар,

Юзларида зиё, кексалар.

Дилларида даврон севинчи,

Тилларида дуо кексалар.

(Э.Воҳидов)

Кўп манзиллар кўзлаганман,

Кўп давонлар ошганман.
Кимларнидир излаганман,
Қайларгадир шошганман.

(Э.Воҳидов)

Киприкларим қўнғирмикан ё қора?
Киприкларим юзтамикан ёки минг?
Киприкларим мунча азиз ва сара,
Кўзгинамнинг киприклари.....

(Миртемир)

Урғусиз

6. Ги, ге, га, го, гў, гу, ги

Урғу билан

7. Ги - **ги**, ге - **ге**, га - **га**, го – **го**, гў – **гў**, гу – **гу**, ги – **ги**

8. Ки - **ги**, ке – **ге**, ка – **га**, ко – **го**, кў – **гў**, ку – **гу**, ки – **ги**

9. Ги – ги – ги – ги - гилам, гилос, гирдоб, гиёҳ

Ге – ге – ге – ге - гердаймоқ

Га – га – га – га - гардиш, гавҳар, гаров, гап, гапдон

Го – го – го – го - гоҳи, говжум, говмиш

Гў – гў – гў – гў - гўзал, гўдак, гўшт

Гу – гу – гу – гу - гул, гулзор, гуноҳ, гумроҳ, гулхан

10. Ки – ги – ги – ги - гикки

ке – ге – ге – ге - гекке

ка – га – га – га - гакка

ко – го – го – го - гокко

кў – гў – гў – гў - гўккў

ку – гу – гу – гу - гукку

ки – ги – ги – ги – гикки

11. ги – ки – ки – ки - кигти

ге – ке – ке – ке - кегте

га – ка – ка – ка - кагга

го – ко – ко – ко - когго

гў – кў – кў – кў - кўггў

гу – ку – ку – ку - куггу

ги – ки – ки – ки – кигги

12. К – Г ундошларига П , Т ундошларини қўшиб талаффуз этиш.

Кпти – кпте – кпта – кпто – кптў – кпту – кпти

Гбди – гбде – гбда – гбдо – гбдў – гбду - гбди.

Г ундоши учун матнлар

13. Гул – гула, гул булбула, булбул гула ноз айлади.

Дамба-дам гул базмида булбул гула соз айлади.

(Халқ ижодидан)

Ўзинг келмадингу гул юборибсан,

Кўп интизор эдим бугун йўлингга.

Мен учун гулшандан гул терганингда,

Тикан кирмадими гулдай қўлингга?

(Уйғун)

Ундош Қ-Ғ товушлари

Қ-жарангсиз, чуқур тил орқа ундошини талаффуз этганимизда тилниг орқа қисми юмшоқ танглайга тегиб жипслашади. Товуш тўлқини бу тўсиқни ёриб чиқишида портловчи, шовқинли Қ товуши ҳосил бўлади.

Урғусиз

1. Қи, қе, қа, қо, қў, қу, қи

Урғу билан

2. Қи-қи, қе-қе, қа-қа, қо-қо, қў-қў, қу-қу, қи-қи

Қи-қи-қи-қи- қизил, қиймат, қиёфа, қисмат, қиёмат, қиём

Қе-қе-қе-қе- (қе бирикмали сўз йўқ)

Қа-қа-қа-қа- қачон, қадах, қадим, қаллоб

Қо-қо-қо-қо- қоғоз, қозоқ, қофия, қоида

Кў-кў-кў-кў- кўзичок, кўнғирок, кўзғалмоқ

Ку-ку-ку-ку- кувноқ, кутлов, кумурсқа.

3. Ки-ки-ки-ки-киққи

Ке-ке-ке-ке-кекке

Ка-ка-ка-ка-какқа

Қо-қо-қо-қо-қокқо

Кў-кў-кў-кў-кўккў

Ку-ку-ку-ку-кукку

Ки-ки-ки-ки-киққи

К ундоши талаффузини мустаҳкамлаш учун матнлар

4. Қаро қошинг, қалам қошинг,

Қийик қайрилма қошинг, қиз.

Қилур қатлимга қасд қайраб-

Қилич қотил қарошинг, қиз.

Қафасда қалб қушин қийнаб,

Қанот қоқмоққа қўймайсан,

Қараб қўйгил қиё,

Қалбимни қиздирсин қуёшинг, қиз.

(Э.Воҳидов).

Ақл вужудингда ҳокими мутлоқ,

Қалам қалб орқали унга таржимон.

(Ғ.Ғулом).

Ғ- чуқур тил орқа ундоши. Бу товушни талаффуз этганимизда тил орқага тортилади, орқа қисми юмшоқ танглай томон кўтарилади, ўртасида эса тор ёриғлик вужудга келади. Товуш тўлқини шу ёриғликдан чиққанда сирғалувчи, шовқинли, жарангли Ғ ундоши эштилади.

Ғ ундоши учун техник машқлар

Урғусиз

1. Ғи, ғе, ға, ғо, ғў, ғу, ғи

Урғу билан

2. Ғи-ғи, ғе-ғе, ға-ға, ғо-ғо, ғў-ғў, ғу-ғу, ғи-ғи

3. Ғи-ғи-ғи-ғи- ғийбат, ғижим, ғилоф

Ғе-ғе-ғе-ғе- (ўзбек тилида сўз йўк)

Ға-ға-ға-ға- ғазал, ғазаб, ғалаба, ғаламис, ғамза

Ғо-ғо-ғо-ғо- ғолиб, ғофил, ғоя, ғоз

Ғў-ғў-ғў-ғў- ғўза, ғўзапоя, ғўр

Ғу-ғу-ғу-ғу- Ғулом, ғубор, ғурра

Қ ва Ғ ундошларини қориштириб талаффуз этиш.

4. Қи-ғи-ғи-ғи-ғиққ

Қе-ғе-ғе-ғе-ғекқ

Қа-ға-ға-ға-ғакқ

Қо-ғо-ғо-ғо-ғоққ

Қў-ғў-ғў-ғў-ғўққ

Қу-ғу-ғу-ғу-ғуққ

Қи-ғи-ғи-ғи-ғиққ

5. Ғи-қи-қи-қи-қиғғ

Ғе-қе-қе-қе-қеғғ

Ға-қа-қа-қа-қағғ

Ғо-қо-қо-қо-қоғғ

Ғў-қў-қў-қў-қўғғ

Ғу-қу-қу-қу-қуғғ

Ғи-қи-қи-қи-қиғғ

Қ-Ғ ундошини мустаҳкамлаш учун матн

6. Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,
Эл анга шафиқу – меҳрибон бўлмас эмиш.
Олтин қафас ичра гар қизил гул бутса,
Булбулға тикондек ошиён бўлмас эмиш.

(А.Навоий).

Шундай қилиб, техник машқлар устида ҳар куни узлуксиз равишда ишлаш унли ва ундош товушлардан тўғри фойдаланишга йўл очади. Техник

машқларни мунтазам ишлаб бориш натижасидагина тилдаги мавжуд бўлган камчиликларни тугатиш мумкин. Техник машқлар натижасида олинган малакани, ҳеч ҳам шошилмасдан, гапларда ва тез айтишларда диққат билан аҳамият бериб, текшириб бориш керак. Унли ва ундош товушларнинг талаффуз этилишда ҳеч қандай нуқсон бўлмаса, матн устида ишлашга ўтиш мумкин.

Хуллас, сахна нутқи дарсларининг савиясини ошириш, аниқ мақсадга эришиш учун мазкур шартлар муҳим аҳамият касб этади.

Оралиқ назорат учун саволлар:

- 1. Дикция нима?*
- 2. Саҳна нутқида дикциянинг қандай ўрни бор?*
- 3. Артикуляция нима?*
- 4. Унли товушларнинг ишлатилиши ҳақида гапириб беринг?*
- 5. Ф ва В, Т ва Д, К ва Г, Қ ва Ғ ундош товушларининг ишлатилишидаги бир-биридан фарқини топинг?*

III БОБ

НУТҚ ОРГАНЛАРИ ВА УНИНГ ФАОЛИЯТИ

Нутқ - ранг-баранг ифодали товушларнинг мажмуасидан иборат. Бу товушлар олий асаб тизимининг сигналлари асосида, нутқ органларининг турлича ҳаракати натижасида пайдо бўлади. Нутқнинг олий аппарати миядир. Қолган қисмини уч асосий бўлакка ажратамиз:

1. Ҳаво ўтувчи органлар (бронхлар, кекирдак) ва ўпка.
2. Овоз пайчаларини ўз ичига олувчи ҳиқилдоқ.
3. Ҳаво бўшлиқлари (халқум, бурун бўшлиғи, оғиз бўшлиғи).

Бундан ташқари, нутқ органлари ўз ўрни ва фаолиятига кўра актив ва пассив бўлади. Артикуляция пайтида энг муҳим ишни актив нутқ органлари: овоз пайчалари, тил, юмшоқ танглай, жағ ва лаблар бажаради. Пассив органлар бўлган тишлар, қаттиқ танглай ва бурун бўшлиғи товушлар пайдо бўлишида ҳисса қўшади. Тўғри ҳосил этилган товушларгина сўз ва жумлаларнинг тўғри ва тушунарли бўлишини таъминлайди.

Артикуляция машқлари

Нутқ жараёнида талаффуз органларининг турлича шакллануви ҳаракатига артикуляция дейилади. Артикуляция машқлари асосан, ана шу талаффуз аъзоларини фаоллаштириш, кейинги иш жараёни бўлган нутқ товушларининг аниқ талаффузини таъминлашни кўзда тутаяди.

1. Юқори лаб машқи. Юқори лаб билан юқори тишлар массаж қилинади.
2. Пастки лаб машқи. Пастки лаб билан пастки тишлар массаж қилинади.
3. Юқори лабни тараш. Бунда пастки тиш юқори лабларни тарайди.
4. Пастки лабни тараш. Бунда эса юқори тишлар билан пастки лаблар таралади.
5. Лабларни чўччайтириш. Бир нарсани ўпмоқчи бўлгандай лаблар олдинга чўзилади.

6. Лабларни айлантириш. Лаблар юқорига, пастга, ўнгга, чапга айлантирилади. Аввал секин, кейин тезлашади.
7. Тилни иложи борица олдинга чиқариб кейин аслига қайтариш.
8. Тил билан юқори лаб ва пастки лаблар массаж қилинади.
9. Лаб билан ўнг ва чап ёноқ ичдан туртилади.
10. Лаблар юмуқ ҳолда тил оғиз ичида юқорига, пастга, ўнгга, чапга айлантирилади.
11. Жағни олдинга ҳаракат қилдириш.
12. Жағни икки ёнга ҳаракатлантириш.

Машқларни бажараётганда ортиқча куч сарфламаслик, бамайлихотир, қоматни кўтариб, тўғри ва эркин ўтириш ёки туриш керак.

Нафас

Нафас ижрочилик санъати, айниқса бадий сўз санъатида жуда катта аҳамиятга эга. Мустаҳкам нафас базаси мавжуд бўлмаса, бадий сўз ёки, умуман, сўз билан боғлиқ бўлган ижрочилик санъати кўринишларида мантикий ва бадий етук саҳна асари яратилиши мумкин эмас. Шундай жумлалар мавжудки, улар қанчалик узун бўлмасин, бир нафасда ўқишни талаб этади. Акс ҳолда, ўртада олинган нафас ё мантиққа путур етказди, ёки мазмунни бутунлай ўзгартириб юборади. Бундай пайтларда албатта мустаҳкам нафас базасига эга бўлиш шарт. Бунинг учун узоқ ва тинимсиз меҳнат талаб қилинади.

Нафас – ҳаётий зарурат. Инсон организми билан атрофидаги муҳит орасида содир бўладиган газ алмашинувида нафас олиш дейилади. Нафас олиш органи ўпка бўлиб, тузилиши жиҳатидан жуда мураккабдир. Чуқур нафас олиш соғлиқ учун фойдалидир. Кундалик турмушда аксарият кишилар ўпканинг юқориги қисмига нафас оладилар. Бундай нафас олиш санъат тилида кўкрак нафаси дейилади. Шунингдек қорин нафаси ва диафрагма нафаси ҳам бор. Қорин нафасида ўпканинг қорин қисми ҳавога кўпроқ тўлдирилса, диафрагма нафасда ҳаво ўпканинг энг пастки қисмлари, диафрагма пардасига энг яқин

жойларига кўпроқ тўлдирилади. Бадиий сўз санъатида диафрагмал-аралаш, яъни чуқур нафас олиш тавсия этилади.

Товуш билан боғлиқ бўлган нафас фонацион нафас (грекча “phone” – товуш) деб аталади. У характери бўйича осайишталик (сукут) давридаги нафасдан фарқ қилади. Физиологик нафас – узоқлиги бўйича тенг бўлган, бир маромда алмашинадиган нафас олиш ва нафас чиқаришдан иборат. Фонацион нафасда эса нафас олиш нафас чиқаришдан қисқароқдир. Шу билан бирга нутқ пайтида нафас олиш нутқимиз товушларини шакллантирадиган артикуляцион аппарат ва ҳиқилдоқ (бўғиз) талабларига бўйсинади. Қайси товуш пайдо бўлишига (ясалиши, тузилишига), қандай куч билан талаффуз қилиниши кераклигига қараб ҳавонинг миқдори ва керакли босими аниқланади.

Демак, нафас товушнинг тўғри чиқиши ва нутқнинг аниқ-равшан бўлиши, ҳамда яхши дикциянинг шаклланиши учун муҳимдир.

Нафас бир вақтнинг ўзида овозга қувват беради ҳамда нутқимизда барча товушларнинг эшитиш кучини автоматик равишда тўғирлайдиган, бошқарадиган механизм ролини бажаради. Масалан, А ва И унлиларини навбатма-навбат талаффуз қилиб текшириб кўриш мумкин:

И унлисини талаффуз қилиш даврида диафрагма кучланиши қаттиқроқ, А унлисида эса кучсизроқ.

Нафас устида иш олиб боришдан мақсад диафрагма, томоқ ва артикуляцион аппарат ишини ривожлантиришдан иборатдир.

Фонацион нафаснинг тўрт хусусияти мавжуд.

Фонацион нафасни кўп олиш ва чиқаришда мушаклар иштирок этади. Нафас олишнинг асосий мушаклари диафрагма (кўкрак ва қорин бўшлиғини ажратиб турувчи аъзо) ва кўкрак қафаси қавурғаларини кўтариб икки томонга сурадиган мушаклардир. Нафас олишда асосий бошқарув ролини бронхиал системанинг мушаклари ўйнайди.

Одатда одамлар аралаш нафас оладилар, яъни бунда кўкрак қафаси ҳам, диафрагма ҳам иштирок этади. Лекин, нафас олиш асосан қайси мушаклар ёрдамида амалга оширилишига қараб у бир неча турга бўлинади: тепа (ўмров),

кўкрак нафаси, қорин, пастки қовурға – диафрагма нафаси, диафрагмал – аралаш нафас. Охирги нафас олиш тури оғзаки нутқ учун қулай. У фонацион нафаснинг тезроқ машқини олишга ва нафаснинг чуқурлик, теранлик, баландлик, яқинлик, тез-тез такрорланиши каби сифатларини онгли бошқариш имконини беради.

Маълумки, ҳиқилдоқда жойлашган товуш пайлари товуш ҳосил қилиш манбаидир. Бўғизда ҳосил бўладиган товуш тўлқинлари бўғиз атрофидаги ҳаво олиб борадиган йўллар орқали тепа ва пастга тарқалади ва фақат товуш (овоз) қувватининг озгина қисми оғиз орқали ташқарига чиқади. Овоз қувватининг асосий қисми организмнинг ичига сингиб кетади. Бу сўзловчига таниш бўлган бош, кўкрак, бўйин тўқималарининг тебранишини ҳосил қилади.

Овозни йўлга қўйиш “овоз аппаратининг фойдали иш коэффиценти”ни кўтаришдан иборат. Овоз аппаратининг фойдали иш коэффицентини кўтаришда фонацион нафаснинг юқорида айтилган хислатлари асосий рол ўйнайди.

Чуқур нафас олиш бу пастки қовурға (диафрагма) нафас туридир. У чуқур ва тўлиқ нафас олишга имкон беради. Бундан ташқари, нафас олишнинг бу ҳолати, нутқ пайтида ҳам ёрдам беради. Пастки қовурға – диафрагматик нафасда олинадиган ҳавонинг етарли миқдори диафрагманинг фаол ишлаши учун қулай шароитдир ва чуқур нафас нутқ учун энг маъқулдир.

Бўғизда тўғри ҳосил бўлган товуш овоз резонаторининг тепа бўшлиқларида акс-садо олгандан кейин бойийди, жарангли, равшан бўлади. Бош резонаторининг тўғри нуқталарида тебранишни ҳис қилиш овоз функцияси учун катта омилдир. Баланд нафас олишни билиш дегани – ҳаво оқимини вертикал бўйича – тепага (бошга) юборишни ҳис қила билишни шакллантиришдир.

Тез-тез нафас олиш – нутқ жараёнида ҳавони енгил, тез, билинмайдиган тарзда нафас олишдир. Нафас устида иш олиб боришда бир нафасда кўпроқ сўз, ибора айта олиш малакасини такомиллаштириш кўзда тутилади. Лекин буни суистеъмол қилиш ҳам бўлмайди. Чунки овоз

хиралашади, нотекис бўлади, турли модуляцияга (тусланишга) кодир бўлмай қолади.

Тез-тез нафас нутқнинг ифодали, жонли воситаларини яъни, интонацион – оҳанг, темпо ритм, паузаларни енгил бошқаришга имкон беради, айтилган сўзни янада таъсирчан қилади ва қанчалик кўпроқ, тез-тез ҳаво тўлдирилса, шунчалик нафас олиш калтароқ, билинмайдиган бўлади, одам бир нафасда гапираётгандай туюлади. Тез-тез нафас олиш (билинтирмасдан мохирона ҳаво олиш) ижрочилик санъатида муҳим ҳисобланади.

Яқин нафас – бу бўғизда туғилган овозни нутқ товушларига (унли ва ундош) айлантирадиган омил демакдир. Артикуляция аппарати қисмларининг бирор бир ҳаракати (лаблар, тил, танглай, халқум, томоқ, пастки жағ мушаклари) у ёки бу нутқ товушини шакллантириш учун керак бўлган нафасда албатта акс этади. Демак, дикцияни (талаффуз) машқ қила туриб, нафасни эсдан чиқариш мумкин эмас. Фақат шу шароитда артикуляциянинг аниқлиги томоқ ва диафрагма ҳаракатларининг органик бирлиги шаклланади. Агар нутқ тўғри бошланса (чуқур нафасда), резонанс билан бойиса (баланд нафас ёрдамида) ифодали овоз тусини олади ва тез-тез нафас олиш ҳисобига аниқ - равшан бўлади.

Овоз устида иш олиб боришдан аввал нафас мушакларини нафас машқлари ёрдамида қизитиш, тайёрлаш фойдалидир. Нафас машқлари яхши физик ва психологик кайфият яратиш учун жуда муҳимдир. У нафас мушакларини, айниқса диафрагмани мустаҳкамлайди.

Нафасни мустаҳкамлаш учун айрим машқларни тавсия қиламиз.

- 1-машқ. Қоматни эркин тутиб, шамни ўчириб қўймаслик учун енгилгина нафас чиқарамиз. 1-2 сониядан кейин худди шундай нафас олинади.
- 2-машқ. Қўлларни параллел ҳолда тик кўтариб бурундан нафас олинади, тушираётиб нафас оғиздан чиқарилади.
- 3-машқ. Қўлларни икки ёндан юқорига кўтара туриб бурундан нафас олинади ва қўлларни тушираётиб нафас оғиздан чиқарилади.

- 4-машқ. Энгашиб нафас оламиз (қўллар, елка, бош бўшаштирилади) кейин туриб нафас чиқарилади.
- 5-машқ. Қўллар билан карама - қарши елкаларни ушлаб нафас оламиз, қўллар ёзилиб эркин ҳолда нафас чиқарилади.
- 6-машқ. Стулга ўтириб, оёқ букилади ва кўкракка босган ҳолда қаттиқ кучоқлаб олинади. Шу ҳолатда нафас олинади ва эркин ҳолатга қайтиб нафас чиқарилади.
- 7-машқ. Тик турган ҳолда нафас олинади. Кейин тиззалар букиб ўтирилади (жағ тиззалар устида) ва нафас чиқарилади. Шу ҳолатда нафас олинади ва турган ҳолда нафас чиқарилади.
- 8-машқ. Эркин нафас олиб уч сония ушлаб турилади ва уч сония давомида нафас чиқарилади. Бу машқни 20 сониягача кўпайтириб борилади.
- 9-машқ. Нафас олинади, тўлиқ овозда ва аниқ талаффуз билан 5, 10, 15 гача саналади.
- 10-машқ. Ярим овозда ва тез айтиш билан 1-25 гача саналади.
- 11-машқ. Пичирлаб тез айтиш билан 1-10 гача саналади.
- 12-машқ. Овозсиз, артикуляция билан 1-20 гача саналади.
- 13-машқ. Галма-галдан 1-5 гача тўлиқ овозда, 5-10 гача ярим овозда, 10-15 гача пичирлаб, 15-25 гача ярим овозда тез айтиш билан ва ниҳоят 1-25 гача артикуляция билан саналади.
- 14-машқ. Тўлиқ нафас олинади ва тўрт мисра шеър бир нафасда ўқилади.
- 15-машқ. Тўлиқ нафас олинади узун мисрали шеър 2 нафасга бўлиб айтилади.
- 16-машқ. Чалқанча чўзилиб ётган ҳолда чуқур нафас олинади ва лабларни сиқиб, ингичка оқим ҳосил этиб пуфлаб чиқарилади.
- 17-машқ. Нафас енгилгина, чуқур олинади ва уч қадам қўйиб чиқарилади. Кейинчалик машқни ҳар хил вазифалар қўйиб ўзгартириб туриш мумкин. Масалан: бир нафасда 2 қадам, 4 қадам, яна 2 қадам, кейин 6 қадам ва ҳ.к.о.
- 18-машқ. Ундошларни талаффуз этганда, бутун аъзолар тегишли фаолиятини бажаради, бироқ овоз қўшилмайди. Яъни ҳар бир ундош аниқ ва

равшан талаффуз этилади-ю, худди гапиришга иложсиз қолгандек,
овоз қўшилмайди.

Оппоқ туманларга чулғаниб ётар,
Мовий самоларга туташган бошинг.
Бу юртда энг аввал сенда тонг отар,
Энг кейин тарк этар сени қуёшинг. (Э. Воҳидов)

Шундан кейин мазкур шеър ўзи тўлиқ овоз билан мантиққа риоя қилиб ўқилади.

19-машқ. Стулга ғоз ўтирилади. Оёқлар жуфт, бўйин чўзилмайди, қўллар эркин, тиззага қўйилади. Шу ҳолатдан олдинга эгилиб, қисқа нафас олинади ва кўтарилгач нафас чиқарилади.

20-машқ. Товонлар бир-бирига яқин турган ҳолда оёқ учи қарама-қарши томонларга қаратилади. Шу вазиятда оёқ учига кўтарилиб нафас олинади, оёқ туширилиб нафас чиқарилади.

ОВОЗ МАНБАЛАРИ ВА УНИ ЧИНИҚТИРИШ

Сўз ижрочиларининг овозини тарбиялаш энг муҳим масалалардан биридир. Чунки нутқий овознинг тарбияси, бор овоз имкониятларининг тез ишдан чиқиб қолишини олдини олиш каби тадбирлар актёрлик ва умуман сўз санъаткорлари учун ғоят катта аҳамиятга эга.

Айрим сўз ижрочилари, ўз овозлари устида мунтазам ишлаб бормасликлари туфайли ифодали воситанинг сеҳрли имкониятларидан маҳрум бўлиб қоладилар. Бора-бора овоз тембрининг (овознинг ўзига хос сифати) кам ифодалилиги, овознинг хирилдоқлиги, соф жарангдорлигининг йўқолиши каби салбий ҳодисалар рўй бера бошлайди. Бундай нуқсонлар олдини олишнинг бирдан-бир ва тўғри йўли овоз устида мунтазам иш олиб боришдир.

Ижрочи овозини ўз ҳоҳишига тобе этолмаса, овози унинг иродаси, нияти, ҳиссиёти ва асабларига бўйсунмаса тингловчи-томошабин унинг нафис ҳиссиёти ва психологик кайфиятларини тўла-тўқис илғаб ололмайдилар.

Буларнинг барчаси сўз ижрочилари овозини тарбиялаш масаласи устида янада жиддийроқ бош қотиришни тақозо этади.

Сўз ижрочиси катта диапазонли (овознинг энг паст ва энг баланд даражаси ўртасидаги ҳажми), эгилувчи, йўлга қўйилган овозга эга бўлиши керак. Янада аниқроғи, ҳар бир сўз ижрочисининг овози чидамлилиқ (чарчамаслик), кучлилиқ, равошлиқ ва ифодавийлиқ хусусиятларига эга бўлиши лозим.

Овозни тарбиялаш учун профессионал соғлом овоз аппарати бўлиши шарт. Ҳатто ўрта даражадаги овоз имкониятларини кундалиқ мунтазам машғулот йўли билан ўстирсан, чиниктирсан бўлади. Овоз органларининг ҳеч қандай давога имкони йўқ, ноқобил ҳолатда бўлиши профессионал номувофиқ овоз ҳисобланади. Бу ўринда бирор дардга дучорлиқ, овоз пайларининг бўшлиғи, ҳаста пайлар, нормал товуш оқимиға ҳалақит берадиган, овоз тембриға таъсир этадиган даражада овоз органларидан бирортасининг ғайритабиий (нуқсонли) тузилиши, ғўнғиллаб гапириш каби ҳолларни кўрсатиш мумкин. Бундай ҳолларда ҳеч қандай овоз тарбиялаш усуллари ёрдам беролмайди. Овозни тарбиялаш, ўстириш ва чиниктириш учун овоз аппаратлари мутлақо соғлом бўлиши зарур.

Овоз мусаффолигини сақлаб қолишға шарт-шароит яратувчи дастлабки гигиеник талаб нафасға риоя қилмаслиқдир. Олинадиган нафас организмни етарли кислород билан таъминлайдиган ҳажмда бўлиши керак. Лоринголог олим М.Е.Маршакнинг аниқлашиға қараганда, киши эркин ҳолда 1 дақиқада 6-8 литрдан нафас олиб чиқарсан, кучли жисмоний ҳаракат қилган чоғда бу миқдор 100 литрдан ошади.

Ижрочиларнинг ижодий ва техник камолати юзаки қараганда ижодга сира алоқаси бўлмаган икир-чикирлардан иборат бўлиб туюлади. Шунини айтиш кифояки, агар меҳнат тартиби, тўғри ва етарли дам олиш ижрочининг ижодий имкониятлари такомилланишиға яқиндан ёрдам берсан, буларнинг акси эсан, уни асабийлаштирадиган ва ижодий кайфиятдан маҳрум этади.

Ижрочи ўз овозининг ҳамиша талабга жавоб бера олар даражада бўлиши учун даставвал овоз ва нафас органларининг саломатлиги, қолаверса, бутун тана аъзоларининг саломатлиги ҳақида қайғуриши керак. Аксинча овозни чиниқтириш - унинг ифода имкониятларини ошириш, яъни юмшатиш, эгилувчанлигини, жарангдорлигини такомиллаштириш демакдир. Овознинг бундай сифатларини қўлга киритиш учун, овоз пайлари, асаб, овоз йўллари ва у билан алоқадор бўлган барча аъзолар сиҳат-саломат бўлиши шарт!

Овоз пайдо бўлиши марказий аъзо – олий асаб системасининг махсулидир. Овоз ва нутқнинг барча жараёнини марказий аъзо бажаради. Ундан келган сигнал натижасида овоз ва муайян нутқ товушлари пайдо бўлади. Энергетик система ёрдамида пайдо бўлган овоз “ҳайдаб” чиқарилади. Овоз пайчалари ҳақилдоқ ичига жойлашган бўлиб, улар жуда юмшоқ тўқималардан иборат. Овоз пайчалари гапираётган вақтда тез-тез узайиб - қисқариб туради. Пайчаларда пайдо бўлган товушлар қайтарғич (резонатор)га урилиб қайтгандан кейингина овоз шаклини олади. Қайтарғичлар овозни шакллантирувчи асосий манбадир. Қайтарғичларсиз товуш кучсиз ва ифодасиздир. Қайтарғичларга кўкрак қафасидаги суяклар, бош суяги, бурун тоғайлари, бурун бўшлиғи, тишлар, юз суяклари, елка кураклари, жағ суяклари ва бошқа қаттиқ тўқималар киради.

Қайтарғичларга келиб урилган ёки йўналтирилган товуш турли ранг олади ва мақсадга мувофиқ тусга киради. Демак, товушни қайтарғичларга тўғри йўналтира билиш гўзал ва ширали овознинг замири бўлиб хизмат қилади. Овоз машқларини бажариш учун қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш керак:

1. Овоз машқлари ҳамиша нафас машқлари билан боғланиб олиб борилди.
2. Озодаликка риоя қилиш.
3. Жисмоний сиқилишга йўл қўймаслик.

Қуйида овоз имкониятларини такомиллаштириш ва уни чиниқтиришга хизмат қилувчи машқлар намунаси келтирилади.

Овоз машқлари

- 1-машқ. Овоз марказини топиб олиш. Ҳар кимда равон, бевосита яхши жаранглайдиган бирор товуш даражасига овоз маркази дейилади. Овоз маркази кундалик оддий нутқ пайтида ё бирор матнни ўқиётган вақтда топиб олинади. Шундан сўнг ўша жарангдор товушдан бошлаб овоз пастга ва юқорига томон кенгайтирилади бошланади.
- 2-машқ. П товуши куч билан талаффуз этмоқчи бўлинади-ю, бироқ лаблар каттиқ сиқилиб, талаффуз этишга йўл қўймайди. Шу пайтда қов (қориннинг пастки қисми)нинг тортилгани сезилади. Кейин нафас ҳам қов ҳам қўйиб юборилади. Бу машқ бир неча бор қайтарилади.
- 3-машқ. Овоз жарангдорлигини, марказини топиб олишнинг 2-усули. Унли товушлар овоз марказини топиб олишга кенг имкон беради.
- а) эркин ҳолда овоз жаранглигига, томоқнинг эркин, очиқ туришига эътибор бериб:
- И-А-О (бир неча марта), а-о-ў (бир неча марта)
И-Э-А-О-Ў-У-И (бир неча бор) такрорланади
- б) шу товушлар билан ёнларга, юқорига, пастга қаралади.
- 4-машқ. Бош енгил олдинга эгилади ва бош ҳаракати билан бирга ҳмммммммм....
ҳмммммммм... овоз қўшилади, лаблар юмук.
- 5-машқ. Ҳмм... овоз чиқарилади ва қўллар билан кўкракни ушлаб кузатилади.
- 6-машқ. Ҳмм... ҳмм... ҳмм... овоз чиқариб айтилади ва мушт билан кўкракка уриб турилади.
- 7-машқ. Ҳмм... ҳмм... ҳмм... чўзиб айтилади. Юз ва лаблар қўл билан аста уриб турилади.
- 8-машқ. Ҳмм... айтилади шу вақтда икки бармоқ билан бурун тешкилари сиқилиб, қўйиб юборилади.
- 9-машқ. Ззз... чўзиб айтилади, тил учи ва тишларнинг титраб туриши кузатилади.
- 10-машқ. Змм... змм... змм... бош доира шаклида айлантирилади.

11-машқ. Бу машқда ундош товушлар овоз билан талаффуз этилган ҳолда унлилар аниқ ва равшан, бироқ овозсиз талаффуз этилади.

Би-ба-бо-бу-ба

Ли-ла-ло-лу-ла

Ки-ка-ко-ку-ка

Ви-ва-во-ву-ва

Ти-та-то-ту-та

Фи-фа-фо-фу-фа

12-машқ. Миммм, мэммм, маммм, моммм, мўммм, муммм, миммм

Риррр, реррр, раррр, роррр, рўррр, руррр, риррр.

13-машқ. Оёқлар жуфтланади. Оёқ учига кўтарилади ва ҳар кўтарилганда ба-ба-баба такрорланади.

14-машқ. Арқонда сакраб турилади ва ҳар сакраганда ба-ба, ба-ба ёки ба такрорланади.

15-машқ. Юриб қулоч икки ёнга ёзилади ва ҳаракат асосида би-бе-бо-бу талаффуз этилади ва қўллар ёнга туширилади.

16-машқ. Коптокни юқорига ирғитиб туриб ба-бу-ба (бир неча марта) талаффуз этилади.

17-машқ. Оёқлар елка кенглигида қўйилади. Қўллар олдинга чўзилади, кейин юқорига кутарилиб нафас олинади, шундан кейин қўллар ён томондан аста секин пастга туширилиб чўзиб ҳм-ҳн, ҳм-ҳн деб овоз чиқарилади. Шу машқни қўлни олдинга чўзган ҳолда эгилиб ва аста-секин кўтарилиб бажариш мумкин.

18-машқ. Тўлиқ нафас олиб ҳммм-о-о-о-о-о-оммм деб овоз олдинга йўналтирилади.(бир неча бор такрорланади).

19-машқ. Тўлиқ нафас олинади змммм, зммммм... деб овоз чўзилади.

20-машқ. Тўлиқ нафас олинади

змммм -----нафас олинади

вмммм----- нафас олинади

гмммм----- нафас олинади

дмммм----- нафас олинади

жмммм-----овоз чўзилади

21-машқ. Нафас олинади зм-вм-гм-дм-жимммм кейин оҳанг қўшилиб бир нафасда змм-вмм-гмм-дмм-жмм айтилади.

22-машқ. Нафас олинади ва тўрт томондан худди бир нарсани тортиб кўкракка босган каби ҳаракат қилинади (қўл билан) ва ҳар бир ҳаракат билан бирга “ба-ба-ба” дейилади. Бу машқ матнни ўқиш йўли билан мустаҳкамланади.

Йирокдан эшитиб сурнай овозин
Кўчага югурган бола сингари,
Мен ҳам қўлга олиб сибизға созим
Тўйингга шошарман элдан илгари.
Тилак шу қўшиғим катта байрамга
Етиб борса кичик тўёна бўлиб
Менинг ҳам қолмасди дилда армоним,
Ўлкам онажоним, юрагим, жоним Ўзбекистоним

(Э.Воҳидов)

23-машқ. Мақсад –овознинг баланд нотасини мустаҳкамлаш ва диапазонини кенгайтириш (хроматик гамма бўйича)

До - Истаймизки, қувноқ кулгининг
Ре – Жарангига кўмилсин олам
Ми – Нега кулмас эртанги кунинг
Фа – Ишқи билан яшаган одам!!!
Соль - Истаймизки хуррамлик бўлсин,
Соль - Шўх қахқаха боғласин қанот
Фа - Куй шалола янглиғ қуйилсин,
Ми - Қўшиқ бўлиб туюлсин ҳаёт.
Ре - Истаймизки, қалбларимизни
До - Чулғамасин ғам-қайғу бир зум

(Э.Воҳидов)

Бундай машқларни чолғу асбоблари ёрдамисиз ҳам бажариш мумкин.

Масалан:

Бошланғич тон Эй, хаёт дейилган мўжизий қудрат,
 Тириклик аталган буюк ибтидо!

Баландрок Эй, мени оламга келтирган қисмат,
 Жонлар волидаси – эй олий момо!

Ундан баландрок Чархмисан-фалакми ёки табиат,
 Шукрона айтурман сенга аввало!

Яна баландрок Инсон жисмин бериб менга бўл сифат
 Кенг оламни қилдинг кўкрагимга жо.

Орқага қайтиб Дилимга ҳис бердинг, бошимга фикрат
 Қулоғимга оҳанг, кўзимга зиё.

Бошланғич тон Солдинг қалбга жону, жонга муҳаббат,
 Қўлимга соз тутдинг, тилимга наво.

(Э.Воҳидов)

24-машқ. Овоз ва дикцияни чиниқтириш. Машқда ундош товушлар овоз билан талаффуз этилган ҳолда, унлилар аниқ ва равшан, бироқ овозсиз талаффуз этилади:

Би-ба-бо-бу-бе	Фи-фа-фо-фу-фе
Ки-ка-ко-ку-ке	Ви-ва-во-ву-ве
Ги-га-го-гу-ге	Ли-ла-ло-лу-ле
Ти-та-то-ту-те	Си-са-со-су-се
Ди-да-до-ду-де	Зи-за-зо-зу-зе
Ри-ра-ро-ру-ре	Жи-жа-жо-жу-же

25-машқ. Нафасни тўғри сарфлаш ва овозни мустаҳкамлаш. Стулга ғоз ўтирилади. Оёқлар жуфт, бўйин чўзилмайди, қўллар тиззага қўйилади. Шу ҳолатдан олдинга эгилиб қисқа нафас олинади ва кўтарилгач “Би-ба-бо-бу-би” деб овоз билан талаффуз этилади. Кейин машқ давом эттирилиб, ҳар эгилиб туришда бир мисрадан, қуйидаги бирикмалар айтилади.

Пи-па-по-пу-пе
 Ви-ва-во-ву-ве

Фи-фа-фо-фу-фе

Ти-та-то-ту-те

Ди-да-до-ду-де

Ли-ла-ло-лу-ле

Зи-за-зо-зу-зе

Си-са-со-су-се

Шундан сўнг бирор бир 4 мисра шеър ўқилади.

Овоз баландлиги, кучи, эгилувчанлигини қўлга киритгач, нутқ темпини эгаллаш устида ҳам машқ қилиш керак. Албатта машқларни секин темпда бошлаб, аста-секин тезлаштира бориш керак.

Юқорида зикр этилган гимнастик машқлар ҳам, овоз машқлари ҳам ҳар бир шуғулланишда бир неча мартадан қайтарилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, сўз санъаткори ўз ижодий имкониятларини такомиллаштириш устида мунтазам иш олиб бориш керак. Юқорида келтирилган машқлар эса, ана шундай меҳнат жараёнининг айрим мисоли бўла олади. К.С.Станиславский айтганидек “нутқдан ўзингизгина роҳатланиб қолмай... сўз ва оҳангни, сездирмасдан туриб, тингловчининг қулоғига қуйиб қўйишингиз керак”. Бу эса ўз навбатида ижрочидан ўз овоз имкониятларини яхши билиш, унинг диапозони, фазилат ва камчиликларини ўрганишни талаб қилади.

Оралиқ назорат учун саволлар:

- 1. Нутқ органларини санаб беринг?*
- 2. Нутқ органларининг фаолияти ҳақида гапириб беринг?*
- 3. Нафас нима?*
- 4. Овоз манбалари ва уларни чиниқтириш деганда нимани тушунасиз?*
- 5. Овоз машқларини ҳақида гапириб беринг?*

IV – БОБ

ТАЛАФФУЗДАГИ НУҚСОНЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ УСУЛЛАРИ

Талабалар репертуаридаги асарлардан намуналар ўқитилиб (монолог, шеър, ҳикоя, масал) нутқий камчилик ва имкониятларини текшириб кўрилади. Мисол учун, тишларнинг нотекис жойлашуви, тилнинг ортиқча семизлиги ёки қисқалиги, овозда шира (тембр)нинг йўқлиги, овознинг ниҳоятда заифлиги, бурун ва димоқда гапириш, фикр сиқиклиги, эшитиш қобилияти (слух)нинг сустлиги, ритмни сезмаслик, тасаввури, ҳиссиёти.

Талабадаги фақат ўзигагина хос бўлган камчиликни махсус машқ, мисол, вазифалар бериб синаб, текшириб кўриш мақсадга мувофиқдир.

Айтайлик, сирғалувчи товушларда камчилик (дефект) сезилди. Бунинг учун аввало тўғри талаффузга нима халақит бераётганини аниқлаш керак. Агар тишлар қаторининг нотекислиги сабаб бўлса хуштакка ўхшаш шовқин эшитилади ёки тилнинг калталиги сабаб бўлаётган бўлса товушнинг талаффузи яна ўзгаради. Товушнинг ҳосил бўлиш ўрни ўзгарганлиги оқибатида эса ингичка, шовқинлироқ, хуштакка яқинроқ товуш пайдо бўлади.

Жағнинг нотўғри тузилиши оқибатида бошқа товушга мойил, ажратиш қийин бўлган товуш пайдо бўлади. Яна бошқа сабаби мазкур товушнинг артикуляцион ҳолатини яхши билмаслик оқибатида юз беради. Бунда ё нутқ органлари суст иштирок этади ёки ҳосил бўлиш ўрни нотўғри бўлади. Ушбу сабабларни албатта махсус машқ, мисолларда текширилиб хулосага келинади. Машқ, мисол ва маслаҳатлар ҳақида қуйироқда батафсил тўхтаб ўтамиз.

Талабадаги камчилик ва имкониятларни махсус анкета тузиб ўрганиш лозим деб ўйлаймиз. Бу анкета талабанинг институтга қадам қўйганидан бошлаб то битириб кетгунича қадар ҳар йил охирида ёзиб борилса, унинг талаффузидаги ўзгаришлар қандай бораётганлиги яққол сезилади.

Анкетадан талабанинг овоз, нафасга оид камчиликлари, талаффузга оид камчиликлари, эшитиш (слух) қобилияти, савияси, маданияти, имкон даражаси жой олиши керак.

Камчиликларни аниқлаш ўқитувчидан катта синчковликни талаб этади. Агар камчиликлар пухта ўрганилиб, сабаб ва равнақи тўғри белгиланса келгуси нутқ тарбиясига замин яратилган бўлади.

Кейинги йилларда санъатга лаёқати бор ёшларда кўп учраётган камчиликлардан бири сирғалувчи (с – з, ф – в, ш – ж, х – ҳ, й – ё) ва қоришиқлар (ч – ж, ц) талаффузига алоқадор камчиликларни келиб чиқиш сабабларига кўра гуруҳларга ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Биринчи гуруҳ камчиликларга сирғалувчиларнинг талаффузи тишлар қатори билан боғлиқ бўлган камчиликларни шартли равишда киритамиз. Бундай камчилиги борларда тишларнинг олд қаторлари паст – баланд жойлашиши, ичкари ва ташқи томон нотекис чиққан бўлиши мумкин. Тишлар орасининг очиклари ҳам кўп учрайди. Бундай камчиликлар сахна нутқида катта нуқсон ҳисобланади. Бу камчиликларни бартараф этиш ҳар – хил йўллар билан синаб кўрилади. Ҳозир сизларга баъзи маслаҳатларни ҳавола этамиз.

Энг аввало ишни соддароқ йўлдан бошлаймиз. Маълум артикуляцион ҳолат натижасида тишлар қатори хиёл очик бўлади, лаблар озгина икки томонга тортилади, тилнинг учи пастки тишлар қаторига тиралиб туради ва тил пастки томон ўзак сари ёй шаклини олади. Ҳаво сиқилиброқ сирғалиб чиқиши оқибатида С товуши пайдо бўлади. Шу каби бошқа сирғалувчиларнинг ҳам маълум артикуляцияси бор. Сирғалиб чиқаётган ҳаво оқими очик ва нотекис тишлар орасидан тартибсиз равишда кўп ўтиши айрим сирғалувчилар меъёрини бузиб юборади. Бундай талаффуз камчилиги маънога катта путур етказди: Заифона, замин, замзама, зардўшт, овсар, сифатсиз, серсув, сафарбар, саксовул, сафсата, сарафроз, феруза, фаррош, фазилат, офтоб, шаршара, шинни, шифокор, шикор, ғужғон, ғаввос, хассос, хасса....

Камчиликни аниқлашнинг энг нозик палласи унинг характерини аниқлаш. Қайси товушдан кейин ёки қайси товушдан олдин камчилик кучли сезилган товуш қандай эшитилади?

Кучли сезилади ё нисбатан заиф? Бу саволларга жавоб топиш ўқитувчидан алоҳида синчковликни талаб этади. Камчиликнинг қай хилиданлигидан келиб чиқиб иш кўрилади.

Балки бундай пайтларда лаблар фаолияти рол ўйнар, балки тил?!

Ҳар қалай талаба ҳам товуш артикуляциясини аниқ идрок этиши керак, ҳам товуш оҳангини яхши ажрата олиши керак. Талабанинг эшитиш қобилияти (слуҳи), хотираси ҳам аҳамиятга эга.

Синаб кўриш учун машқ, мисоллар келтирамиз: виз, ваз, воиз, газ, кўз, куз, мис, меш, беш, қош, тош, мош, фош, бош ва ҳ.к.

СИ , СЭ , СА , СО , СЎ , СУ , СИ

ИС , ЭС , АС , ОС , ЎС , УС , ИС

ЗИ , ЗЭ , ЗА , ЗО , ЗЎ , ЗУ , ЗИ

ИЗ , ЭЗ , АЗ , ОЗ , ЎЗ , УЗ , ИЗ

СИЗЗИ , СЭЗЗЭ , САЗЗА , СОЗЗО ,

СЎЗЗЎ , СУЗЗУ , СИЗЗИ

ЗИССИ , ЗЭССЭ , ЗАССА , ЗОССО ,

ЗЎССЎ , ЗУССУ , ЗИССИ

Шеърнинг сўзи – тўрт сатр,

Тўрт ажойиб – зўр сатр.

Шоир одам ўзини

Тўрт сатрда кўрсатур.

(Э.Воҳидов)

Сўз борки, дилларга шифо келтирур,

Сўз борки, бошларга бало келтирур.

Сўзингни ўйламай сўзлама ҳаргиз,

Ёмон сўз охири жазо келтирур.

Сузма ҳам бемазамас маза,

Чўзма ҳам бемазамас маза.

(Тез айтиш)

Нон яшасасизми,

Шоли санашасизми.

(Тез айтиш)

Машқ – мисоллар шошилмасдан, дона – дона, бурро – бурро, ўқитувчининг топшириғига қатъий амал қилган ҳолда бажарилиши шарт. Бундай камчилиги бор талабаларга лаблар ва тил учи фаол иштирок этувчи товушлардан тузилган машқлар ҳам фойда беради.

Пи-пи-пи-пиёла

Би-би-би-бинафша

Фу-фу-фу-Фурқат

Во-во-во-водий

Ма-ма-ма-мадад

Де-де-де-девона

Ту-ту-ту-тутам

Но-но-но-норасида

Лў-лў-лў-лўли

Ру-ру-ру-рутубат

Ана энди сирғалувчи товуш сўзнинг ўртасида келишини (бастакор, манзил, висол...) ва бошқа товушлар таъсирида камчилик ўзгариш ясаётган бўлса, ўшандай товушлар ёнма ён келадиган сўзлардан кўпроқ фойдаланиб, талаффуз меъёрида лабнинг ёки тилнинг иштироки аниқлаб олинади. Уни бартараф этиш давридаги биринчи уринишларда камчилиги бор товушлар учрамайдиган машқлардан бошлаш фойдали.

Лаб-лаб, лаб-тиш, тил олди сонор товушлардан тузилган машқлар тавсия этилади.

1. Вифф, вефф, вафф, вофф, вўфф, вуфф, вифф.

2. Пти, пте, пта, пто, птў, пту, пти.
3. Брис, брес, брас, брос, брўс, брус, брис.
4. Триз, трез, траз, троз, трўз, труз, триз.
5. Виждон, висол, виқор, ватан, вужуд.
6. Плик, пештахта, пахта, пўкак.
7. Бино, бешик, баҳор, бўғин, бутун.
8. Тилим, теша, тахта, тўплам, тугун.

Машқларни шошилмасдан чўзиброқ, равон, тўғри талаффуз этишга ҳаракат қилиш керак. Сирғалувчилар билан боғлиқ иккинчи гуруҳ камчиликларга тилнинг семиз бўлгани сабабини киритамиз. Бу ҳол бошқа товушларга нисбатан сирғалувчиларга катта таъсир этади. Чунки, бу ҳол ҳар бир сирғалувчи артикуляциясини ўзгартириб юборади, оқибатда маълум сирғалувчи товуш пайдо бўлмай, бўғиқ, хира шовқин эшитилади. Бундай камчилик учун махсус тил машқлари мавжуд.

Масалан,

- 1) Тил чиқарилиб, эркин ҳолда ияк томон туширилади. Шу ҳолда бир оз тиним қилингандан сўнг лаблар йиғилиб тилни тарнов шаклига келтирилади ва тил шу шаклда ичкарига тортилади.
- 2) Лаблар эркин юмилади, тишлар хиёл очиқ.. Тил учи билан ташқи милкни ялаб айлантирилади. Тилни шошилмасдан, эркин, аввал бир томонга, сўнггра иккинчи томонга айлантирилади. Тилдан бошқа нутқ аъзоларининг (айниқса, жағ, юз мускуллари) иштирок этмаслигига эътибор қаратиш керак.
- 3) Лаблар эркин юмилади, пастки жағ туширилади. Тилнинг учи билан юқори тишлардан танглай томон ҳаракат қилиб массаж қилинади.
- 4) Оғиз очиқ, тилнинг учи юқори тишлардан юмшоқ танглай томон ҳаракат қилиб массаж қилинади. Машқни шошмасдан аниқ бажариш керак.

Бу машқлардан кейин артикуляцион-фонетик машқларга ўтилади. Артикуляцион-фонетик машқлар тил учини фаолиятини ривожлантиришга хизмат қилади.

1. Ти, те, та, то, тў, ту, ти.
2. Ди, де, да, до, дў, ду, ди.
3. Три, тре, тра, тро, трў, тру, три.
4. Тилни биров чиқариб тишлар орасига эркин олилади. **М** товуши талаффуз этилади. (ичда имитация этилади.) Сўнгра **т** ёки **д** товуш овоз чиқариб талаффуз этилади.
5. Юкоридаги 3- машқ бир карра бажарилаб, **с** ёки **з** товушлари талаффуз этилади.
6. Бри, брэ, бра
Бри, брэ, бра лаблар фоал қатнашиши керак
Бри, брэ, бра

Учинчи гуруҳ камчиликлар тил учининг фаол қатнашмаслиги ёки тилнинг калтароқ бўлиши оқибатида сирғалувчиларда сезиладиган камчиликлардир. Тилнинг учини пастки тишлар қаторига тегиб сўзлаш пайтида тиркалиброк турмаслиги оқибатида сирғалувчи товушлар талаффузига таъсир этади. Натижада, бўғиқ, шовқин пайдо бўлади. Бундай ҳолда тилнинг пастки тишлар қаторига тираб туриб, ўша сирғалувчини чўзиқрок талаффуз этинг. Мисол учун: с-с-с-сомон, с-с-с-султон.

з-з-з-замон, з-з-з-зуравон

с-с-с-салом, с-с-с-сахро.

з-з-з-золим, з-з-з-зиён.

с-с-с-санамай саккиз дема.

з-з-з-замонанинг зайли.

Р-товуши талаффузда кўп учраб турадиган камчилик. Агар тил меъёридан калта бўлса-ю, нутқда кучли сезиладиган бўлса органика билан боғлиқ бўлган бўлади. Бунда **Р** бошқа товушга, яъни **й** га мойил талаффуз

этилади. Ёки баъзида туғри талаффуз этишга тиришганда, бўлиниб-бўлиниб титроқ тормозлашган товуш пайдо бўлади.

Бундай ҳолларда фонеатор билан маслаҳатлашишга юбориш керак. Синаб кўриш учун тилни чўзиб чиқарилади. Тилни тоза рўмолча билан ушлаб энгак томон тортилади. Тил ўзаги ва жағ эркин ҳолда бўлиши керак. Тил ўзагида оғриқ пайдо бўлмаслиги керак. Сўнгра тилни қўйиб юбориб мисол ва машқлар бажарилади: Жир, сир, ор, тор, бор, кор, қор. Машқларда ўзгариш кам сезилса, демак органика билан боғлиқлигини яна бир бор исботи бўлади. Агар текширишларда тил учининг суст тебраниши кўзатилса, тил учи фаолиятини оширувчи машқлар берилади:

1) ти-ти-ти-ти-ти.

ди-ди-ди-ди-ди.

тидитт, тедетт, тадатт.

ти-ти-ти - тилак, тиргак.

ди-ди-ди - диёнат, давомат.

те-те-те – терак, теvarак.

де-де-де – девона, денгиз.

2) Тубсиз денгиз денгизми,

Денгиз тенгсиз дедингизми?

(Тез айтиш.)

3) Қатор-қатор тош тердим,

Жайрон отни бўш қўйдим.

(Топишмок.)

4) Эртак, эрмак, эркак...

“Тиш орасидан гапириш” ҳам кўп ҳолларда учраб туради. Жағни меъёрида очмаслик унли товушлар талаффузига путур етказди. Жағ очилмаслигини асосий сабабларидан бири асаб сиқиклигидир.

Асаб таъсирида жағ мускуллари бир мунча қотиб қолади. Яна бошқа айрим сабаблар ҳам юқоридаги камчиликни келиб чиқишига олиб келади. Чунончи, айрим кишилар оғизни кичик, билинтирмай очишликни одоб, ҳаё,

андиша деб биладилар. Оқибат, унлиларнинг туғри иш ҳолати бузилади, тиш орасидан сўзлашишга олиб келади. Юқоридаги ҳар икки сабабнинг ва бошқа сабабларнинг оқибати бўлмиш тиш орасидан гапиришни бартараф этиш учун айрим машқлар тавсия этилади.

Артикуляция машқлари

1. Жағ машқлари:

- а) эснаш машқи (оғиз эснаш ҳолатида очилади, сўнгра юмилади),
- б) М талаффуз этилади, эснаш ҳолатида а талаффуз этилади.
- в) М– эснаш – О,
- г) М - эснаш- У,
- д) М – эснаш – Э

2. Жағ мускулларини бўшатиш:

- а) жағни олдинга ҳаракат эттириш
- б) жағни икки ёнга ҳаракати
- в) сақич чайнаётгандай ҳаракат қилиш

3. Унлилар иштирокидаги машқлар;

- а) ба-бо-бў
- б) да-до-дў
- в) аб-об-ўб
- г) ад-од-ўд
- д) иб-аб-об

4. Унлилар кўп учрайдиган сўз ва матнлардан фойдаланиш ҳам яхши самара беради.

- а) Озода, овора, оҳиста , ораста, олам, озор, ақиқа, ақида, Азиза, арча, имон, илон, эшик, тешик, барча, барно, Раъно, Лазиза, латифа.
- б) Олмасам гар кўнглим тўлмас,
Ота-онам дуосини.
Олмасам гар йўлим бўлмас
Ота-онам дуосини

(С.Очил)

в) Икки бола,
Ясан-тусан.
Бири Хасан,
Бири Хусан

(Э.Мадрахимов)

Талабаларда ёшларга хос бўлган яна бир камчилик бўлиб, бўғизда гапиришдир. Бунинг сабаби тил ўзаги орқага тортилиб қолган бўлиши ва тил ўзагининг кам ҳаракати оқибатида юз беради. Бундай ҳолларда тил машқларидан фойдаланиш керак бўлади.

1. Юқоридаги ҳолат қайтарилади, фақат ба-бо-бу талаффузи билан алмашилади.
2. ма-мо-му
ма-мо-му
ма-мў-му
3. ма-ма-ма-а-а-а- (чузиб)
мо-мо-мо-о-о-о.....
мў-мў-мў-ў-ў-ў.....
4. бо-бо-боооо!
бў-бу-бў ў ў ў

Димокда гапириш жуда кўп учрамаса ҳам ҳар қалай учраб турадиган нуқсондир. Бунда юмшоқ танглайни пастга тушиши кузатилади. Бу ҳолларда ҳам мутахассис шифокор маслаҳатини олиш керак. Баъзида эътиборсизлик ёки одат натижасида юз бериши ҳам кузатилади. Бу вақтда овознинг хусусияти (тембр)га эътибор қаратилади. Агар касаллик оқибати бўлса бўғикроқ, бурунда гаплашади. Агар одат ёки эътиборсизлик бўлса овози тиникроқ бўлади. Аниқлаш учун машқлар:

1. Оғиздан кўп ҳавони бирданига тортилади ва биров ушлаб турилиб яна ўшандай кўп ҳаво бирданига чиқарилади.

2. Кўп ҳаво бирданига оғизга олиниб ба-бо-бў деб кесиб-кесиб чиқарилади.

3. Оғиздан “хўп” деб нафас олинади ва “пў” деб чўзиб чиқарилади.

4. Бо-бо

Бў-бў

Бу-бу

Аб-об-ўб

Юқоридаги ва шунга ўхшаш машқлардан кейин хулоса чиқариш мумкин.

Бурундан гапириш кўп холларда бурун аъзолари касаллигидан далолат беради. Синаб кўриш учун сонор товушлар сўзнинг қаерида келганида кўпроқ сезилишини аниқлаш ва шунга қараб, машқ ва мисоллардан фойдаланса бўлади. Масалан: мерос, мезон, мақом, маром, мудом, муз, мулк, мўри, мотам, низом, нозик, ниҳол, неъмат, инъом, эгам, амма, ва х.к.

Ана энди сонор товушлар кам учрайдиган сўзларни айтиб кўриш керак. Масалан: Озор-озод, омон-обод, камон-хамон, сонор товушларни қисқа ва чертиб айтилишига эришинг. Овозни бурунга йўналишидан эҳтиёт бўлинг. Агар ўзгариш сезилса ҳам хулоса қилишга шошилманг. Сонорлар кам иштирок этган жумлалардан фойдаланиб машқ қилишда давом этаверинг.

Овозни томоқда ҳосил бўлиши жуда кўп учрайди. Бу камчилик сабабининг кўлами кенг. Камчиликни келтириб чиқарувчи сабаблардан бири-киши характери хусусияти билан боғлиқ дейиш мумкин. Баъзида муомала, ўзини тутиш, таълим-тарбия, муносабат оқибати бўлади. Ясама тортинчоқлик, уятчанлик муомалага таъсир этади. Овозни яшириб, тортиниб, мулойим гаплашадилар. Оқибатда юқорида қайд этилган камчилик ва нуқсонлар секин аста пайдо бўла бошлайди. Бундай ҳолатларда овозни резонатор (қайтаргич) га йўналтириб текширилади. Қуйида бир неча машқлар тавсиясини берамиз.

Машқлар:

1. Ҳитоб этиш, чақириш, тўхтатиш

би-ба-бо-бў-бу! (бир неча бор такрорланади)

Машқ қатъий ижро этилиши керак.

2. Би (чўзиб) би-би (қиска)

Бо (чўзиб) бо-бо (қиска)

Бў (чўзиб) бо-бо (қиска)

3. Мен би-ба-бо

Сен би-ба-бо

У би-ба-бо

Улар би-ба-бо

4. Турли-туман

Болалар кўп

Жаҳонда

Йиғилсалар

Сиғмас минг-минг

Майдонга:

-- Бу жуда соз,

Бу жуда соз, (овозни баландлатиб)

Жуда соз! ! (янада баландлатиб)

Хириллаш овоз пардасининг лат еганидан нишонадир. Овоздан нотўғри фойдаланиш (хаддан зиёд бақирш, овозни кўп ишлатиш, нотўғри овоз йўналтириб ашула айтиш) уни жароҳатлаб кўяди. Бу даврда овоздан умуман фойдаланмай даволаниш зарур. Баъзан айрим пардаларнигина лат егани сезилади. Бундай ҳолда мусиқа асбоби жўрлигида хроматик гамма асосида овоз диапазони ўрганиб чиқилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Мисол учун

Озода
Озода Озода
Озода Озода
Озода Озода
Озода Озода

Шундан сўнггина бирор хулоса чиқариш мумкин. Эшитиш қобилияти (слух) санъат йўлини танлаган қобилият эгалари, талабалар учун энг зарур лаёқатлардан ҳисобланади. Эшитиш қобилиятини чиниқтириш усулларида бири сўзлашув (речетатив) машқларидир.

Мисол тариқасида қуйидаги машқларни тавсия этамиз.

1. Ер хайдасанг, куз хайда, куз хайдамасанг юз хайда.

е) _____, ...

д) _____,

г) _____,

в) _____,

б) _____,

а) _____,

2. Доира усулларида такрорлаш;

а) бак – бум – бак – бум - бак

бак – бум – бак – бум – бак

б) бак – бака – бум - бум

бак – бака – бум – бум

в) бук – бака – бук – бак - бум

бук – бака – бук – бак – бум

д) бум – бак – бум – бак – бака – бака - бум

бум – бак – бум – бак – бака – бака – бум

Қисқача қилиб айтадиган бўлсак санъатга лаёқатли ёшлар, талабалар нутқидаги камчилик ва нуқсонларни ўрганиш, уларни бартараф этиш саҳна нутқи фани олдида турган энг долзарб ва зарур масаладир.

Товушлар талаффузига оид дикцион нуқсонларни бартараф этишда шеърӣ матнлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Чунки шеърлар ритмик ташкил этилган нутқ бўлгани учун ҳам асаб системасини енгил қўзғотади. Шеърӣ матннинг ўзи ижрочида ижобий хис-туйғуларни чақиради ва бу ўз

навбатида овозни ҳам эркин шакллантиришга ёрдам беради. Қуйида намуна сифатида айрим шеърӣ матнларни келтирамиз.

Какку

Бир қуш сайрар кун бўйи
Ўрмонда:
- Какку !
- Какку !
Қичқиролмай хўроздай,
Армонда:
- Какку !
- Какку !
Бу қандай қуш, ким топар?
- Какку !
Ўзи ҳам номин билмас
Экан-ку ?

(Р. Фарходӣ).

Тил топишди

Учрашдилар
Ғоз, ўрдак
- Исминг нима
Айт ўртоқ ?
- Меникими,
Ғоқ..., ғоқ..., ғоқ....

-Сеникичи ?
- Ғо...ғо...ғо...
Бир зумда тил топишди.
Ўйнагани
Чопишди.

(Қ.Ўтаев).

Чорлов

Ўйинда ўйинг ўсар,
Ар-ардек бўйинг ўсар.
Дўст-ўртоқлар ичида
Чарх уриб, кўнглинг ўсар,
Кел-хо ! Кел-хо !

(А.Тўймуродов).

Шафтоли – шакар

Шафтоли – шакар
Пишибди боғда.
Ранги қизариб,
Бизни кутмоқда,
Фурсат ғанимат,
Лаззатли неъмат
Бўлмасдан тамом,
Шафтоли томон –
Фалончининг боғига
Гир-р-р-р

(А.Тўймуродов).

Оғиз бойлаш

Гап-сўзни сол тўрвага,
Меҳмон келди ўрдага.
Меҳмон-уйку, ўрда – кўз,
Сичқон тушди ўрага.
Гулдур – гуп!

Уйку келар югуриб,
Тутиб олинг улгуриб.
Қўлга тушманг сўз айтиб,
Кулиб ёки кулдириб,
Гулдур-гуп!

Дим-дим!
Ўра кўмдим,
Ўра ичра
Қўра кўмдим,
Қўра ичра
Ғўра кўмдим.
Ғўра ғўрамас,
Уни билганлар
Не деб сўрамас!
Гулдур-гуп!

(А.Тўймуродов).

Туш

Арра кесар
Шарра – шарра
Бориб келар
Ғирр-ғирр

Ёш сизади
Кўзларимдан
Лабим учар
Дирр- дирр

Кулоч ёзмас

Қуюк туман

Азим дарахт.
Нафас олар
Хирр-хирр

Атрофимда
Айланади
Гирр-гирр

Япроқчалар-
Бармоқчалар
Титрашади
Зирр-зирр

Азим дарахт
Бошим узра
Босиб келар
Бирр-бирр

Мен ҳам юрак
Ховучлайман
Қалтирайман
Дирр-дирр

Пайпаслайман
Қўлларимни
Ҳамма ёғим
Бус-бутун

Шундай ёмон
Туш кўрибман
Отам тутни
Кесган тун.

(Н.Комилов).

Анвар Обиджон

Бўғдой

Олтин тожли
Султонман.
Сомса, патир,
Ширмонман.
Азиздирман
Одамга,
Арзандаман
Оламга.

Ер куйласа,
Ўйнайман.
Хирмон сари
Бўйлайман.
Ой чиққанда
Қуноққа.
Ўхшар
Кумуш ўроққа

Сабзи

Юпқагина
Пўстим бор,
Далада
Кўп дўстим бор.
Мақолда ҳам
Ёзиқман,
Ўша Салом
“Олтин қозик” ман

Ётсам
Ерга қапишиб,
Думгинамдан
Тортишиб,
Ташладилар
Ўрага.....
Палов тўрага !

Шолғом

Попук баргли	Ёш-да,
Бошим бор.	Пича шошар у-
Вазмингина	Баҳордаёк
Тошим бор.	Пишар у.
Думи узун	Мен шошмайман,
Редиска –	Беғамман.
Менга	Шунинг учун
Кенжатоё ука.	Шолғомман.

Узум

Доналарим	Кузда
Маржонча,	Еб-еб тўйишар
Бир бошим-	Қишга
Нақ бир жомча	Осиб қўйишар
Қуритсангиз	Боқар шод
Майизман,	Ёш-қарилар.
Дастурхонга	Мақтар ҳатто
Файзман.	Ариллар.

Писта

Қувноқ-шодон	Нега мени
Пистаман	Эркалаб;
Аскияга	Чақмаяпсиз
Устаман.	Битталаб?
Жилмайганим	Йўқми сира
Жилмайган,	Хушингиз?
Кимга ёкар	Демак,
Тумтайган?	Чатоқ тишингиз.

Хандалак

Хандалакман	Сув келмаса
Полизда,	Томирга,
Лекин қандман	Ялинаман
Оғизда.	Ёмғирга
Яйраб ўсдим	Менинг фаҳрим
Далада	Ширамдир.
Офтоб чиқса	Қовун
Ялла-да	Катта энамдир.

Анжир

Кеча-кундуз ухлайман
Мева тугдим гуллайман.
Мевам ўзи гулчадир,
Тилло рангли кулчадир.
Ғудаймайман сипоман,
Кўп дардларга шифоман.
Мени еса Муталлиб,
Юрмас эди йўталиб.

Анор

Ҳар доначам бир аскар,
Бир қалъада минг лашкар.
Ётар улар панада,
Оқ пардали хонада.
Хоналар тинч, атроф жим.
Қалъачани бузса ким,
Бошланади тўполон....
У ёғи сизга аён.

Бодом

Мен баҳорнинг севинчи,
Гуллагайман биринчи.
Чиройлидир қоматим,
Бу ҳам бўлса омадим.
Ҳавас қилиб мевамга
Қизига бир ёш янга
Ном қўйганмиш Бодом деб,
Ширин бўлсин болам деб.

Беҳи

Икки юзим буришқоқ,
Дема мени уришқоқ.
Ишга солиб ақлимни,
Сездирмайман жаҳлимни.

Агар, ширин бўлмасам,
Ҳушомадни билмасам.
Мени дарров кесишар,
Ўрнимга нок экишар.

Қовун

Обиноввот қовунман,
Битта тишлаб овун, ма.
Нега бўлдим мен номдор?
Чунки, чопоним гулдор.
Ёнбош қилиб ётаман,
Ширин ўйга ботаман:
Ҳаёлимда – одамлар,
Бозорда мени танлар.

Помидор

Тўс-тўполон
Бозорда,
Ёки бирон
Гузарда
Учраб қолган
Онимда,
Ўтиб кетма
Ёнимдан.

Кўрганмисан
Кинони -
Машхур
“Чипполино”ни ?
Уша ерда
Мен ҳам бор.
Номим
“Сеньор помидор”

Ошқовок

Исмим –
Кади – ошқовок,
Осилтириб
Қош – қовок,
Барг остида
Ётаман,
Томга
Палак отаман.

Қўшиб есанг
Шакарга,
Доридирман
Жигарга.....
Нега уздинг
Бандимни,
Соғиндингми
Мантини?

Картошка

Гоҳ ухлайман
Тўрвада,
Гоҳ пишаман
Шўрвада.
Қовурмада
Қайнайман,
Маставада
Яйрайман.

Лағмонда ҳам
Мен борман,
Ҳамма жойда
Тайёрман.
Кўринмасам
Шавлада
Эринмасдан
Кавла-да

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т. Маънавият. 2008 й.
2. И.А.Каримов. Ўзбекистон демократик тараққиётининг янги босқичида Т. Ўзбекистон 2005 й.
3. И.А.Каримов. Эришган марраларимизни мустаҳкамлаб ислохатлар йўлида изчил бориш – асосий вазифамиздир. Т. Ўзбекистон 2004 й.
4. А.Расулова. Саҳна нутқи. Т. 2008 й.
5. А.Расулова. Нутқ техникаси. Т. 2008 й.
6. Ф.Аҳмедов. Оммавий байрамлар режиссураси асослари. Т. 2008 й.
7. Х.Мирпўлатов.Оммавий байрамлар режиссураси. Т. Чўлпон. 2008 й.
8. А.Расулова. Саҳна нутқи. Т. 2008 й.
9. Ф.Аҳмедов “Оммавий тадбир ва байрамлар режиссураси ва актёрлик маҳорати”. Т. 2007 й.
10. М.Абдуқундузов. Ўзбек театри намоёндалари Т. 2004 й.
11. А.Носирова. Жонли сўз санъати. Т. 2003 й.
12. М.Қодиров. Ўзбек театри тарихи Т. 2003 й.
13. У.Ҳ.Қорабоев. Ўзбек халқи байрамлари. Т., Шарқ, 2002 й.
14. Ж.Душамов. Оммавий тадбирлар режиссураси Т.2002 й.
15. С.Иномхўжаев. Бадиий ўқиш асослари.Т. Ўқитувчи, 1972 й.
16. С.Иномхўжаев, Л.Хўжаев. Бадиий сўз санъати. Т. 1980 й.
17. С.Иномхўжаев. Нотиклик санъати асослари.Т. Ўқитувчи, 1982 й.
18. З.Савкова. Как сделать голос сценическим. М. 1975 г.
19. З.Савкова. Речевой хор в массовом представлении. ЛГИ. Ленинград.1977 г.
20. А.Сайфутдинов. Адабий асар ва ижрочилик маҳорати. Т. 1980 й.
21. С.Иномхўжаев, А.Зуннунов. Ифодали ўқиш асослари. Т. 1965 й.
22. Е.Ф.Саричева. Сценическая речь. Москва. 1965 г.
23. У.Х.Қорабоев. Бадиий-оммавий тадбирлар. Т. Ўқитувчи, 1986 й.
24. Д.М.Генкин. Театрализованные формы массовой работы клуба.Л. 1981 г.
25. А.И.Чечётин. Основы драматургии и театрализованных представлений. М., Просвещение, 1981 г.
26. Д.М.Генкин. Массовые праздники. М., Просвещение.1976 г..
27. И.М.Туманов.Режиссура массового праздника и театрализованного концерта. М., Просвещение, 1976 г.
28. К.С.Станиславский. Моя жизнь в искусстве. М.Искусство. 1954-1961 г.
29. К.С.Станиславский.Работа актёра над собой М. Искусство. 1954-1961 г.
30. К.С.Станиславский. Этика М.Искусство. 1954-1961 г.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
I – боб. Нутқ маданияти ва унинг ижтимоий ўрни	6
Адабий талаффуз ҳақида	8
Орфоэпик қоидалар	16
II-боб. Дикция	21
Унли товушлар	24
Ундошлар	30
III-боб. Нутқ органлари ва унинг фаолияти	46
Нафас	47
Овоз манбалари ва уни чиниқтириш	52
IV – боб. Талаффуздаги нуқсонларни бартараф этиш усуллари	60
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	208